ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXII СЪЕЗДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 129 (20. 696) • 1990 йил 6 июнь, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съезди тўғрисида АХБОРОТ

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съезди 5 июнь куни Тошкент шаҳрида ўз ишини давом эттирди.

Марказий Комитетнинг Сиёсий маърузасини ва Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини муҳокама қилиш юзасидан музокараларда Самарқанд вилоят партия комитетининг биринчи котиби П. М. Абдураҳмонов, Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгашининг раиси Ҳ. Алимова, Наманган уйсозлик комбинатининг бошлиғи А. Иқромов, Қашқадарё вилоят партия комитетининг биринчи котиби А. Р. Отажонов, Андижон вилоят уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раиси Т. Р. Каримова, Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов, Тошкент вилоятининг Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхоз сут соғувчиси М. Исоқова, Хоразм вилоятининг Хива районидаги 20-болалар уйи директори В. Б. Пак, Сурхондарё вилояти Сариосиё район партия комитетининг биринчи котиби И. Суннатов, «Экономика и жизнь» журнали бош муҳаррири вазифасини ижро этувчи И. М. Хушев, Туркистон Ҳарбий округи қўшинлари қўмондони И. В. Фуженко, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий комитетининг биринчи котиби А. Н. Носиров, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари, Тошкент шаҳар ижроия комитети Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Қ. Т. Ризаев, «Конструктор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори А. Ғ. Ғуломмаҳмудов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Съездда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов якунловчи нутқ сўзлади. У делегатлардан тушган бир қанча саволларга жавоб қайтарди.

Съезд Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий комитетининг ҳисобот давридаги ишини қониқарли, деб топди ва Марказий Комитетнинг кейинги вақтда ўтказаётган сиёсий йўлини маъқуллади.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съездига Марказий Комитетининг Сиёсий маърузаси, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига «Инсонпарвар, демократик социализм сари» Ҳаракат дастури, КПСС Устави лойиҳалари юзасидан резолюциялар қабул қилинди.

Съезд Ўзбекистон Компартияси Тафтиш комиссиясининг ҳисобот маърузасини тасдиқлади.

Съезд делегатларнинг бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш тўғрисидаги масалага оид таклифи юзасидан резолюция қабул қилди.

Съезд Ўзбекистон Компартияси Назорат-тафтиш комиссиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. «Ўзбекистон Компартияси, Назорат-тафтиш комиссияси тўғрисидаги низом» тасдиқланди.

Сўнгра съезд кун тартибидаги навбатдаги масалани кўриб чиқишга — Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Назорат-тафтиш комиссиясини сайлашга ўтди.

Съезд ўз ишини давом эттирмоқда.



Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съездида.

Суратларни махсус мухбиримиз В. МОЛГАЧЕВ олган.

ЎЗБЕКИСТОН ҲАЛҚЛАРИ, ДЎСТЛИГИМИЗ ВА ҚАРДОШЛИГИМИЗНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК!

Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездининг коммунистларга, жумҳуриятнинг барча халқларига

МУРОЖААТИ

Қадрли ўртоқлар!
Муҳтарам юртдошлар, ватандошлар!

Мамлакатимиз ғоят оғир аҳволни бошидан кечираётир. Қайта қуриш жараёни давом этмоқда, сийқа фикрлаш йўсинлари ўзгармоқда. Босиб ўтган тарихимизни ақл тарозисига солиб, янгитдан идрок этмоқдамиз. Бизнинг, барчамизнинг орзу ниятимиз, армонимиз муштарак. Яъни ҳаммамиз турғунликнинг чангалидан тезроқ қутулиб, ўз-ўзлигимизни таниб, бугунги ва келажак авлоднинг шаъни-шавкатига муносиб инсон бўлиб яшаш иштиёқи билан тўлиб-тошганмиз. Биз осойишталикни, тинчликни, эзгулик ва бахт-саодатни, ҳар бир хонадоннинг обод ҳамда фаровон бўлишини орзу қиламиз. Бу орзуларимиз бугунги кунда илк куртакларини кўрсатаётир. Секинлик билан, машаққат билан бўлса-да, жумҳуриятимиз иқтисодиёти ўзини ўнглаётир. Қишлоқ аҳлига ер ажратилмоқда: оналарга, бева-бечораларга, ёш болаларга-ю, ногиронларга, барча ветеранларга, талабаларга моддий ёрдам кўрсатиш бошланди. Ўн минглаб уй-жойлар қурилаётир. Қадимий жаҳоншумул маданиятимиз бутун борлиғи ва иқтидори билан қайта тикланмоқда. Унутилиб кетган, ман қилинган байрамлар ва анъаналар халққа қайтариб берилмоқда, одамлар қалбида ишонч, меҳр-муҳаббат, шафқат уйғонаётир.

Ўзбекистон Коммунистик партияси сайловолди Ҳаракат дастурининг бажарилишини ҳеч ким тўхтата олмайди. Жумҳуриятимиз гуллаб турган,фаровон, бағри тинч макон бўлажак. Зеро, барчамизнинг орзу-армонимиз ҳам шундан иборат-ку! Лекин бу армонларнинг ушалиши учун ягона бир шарт бор. У ҳам бўлса, одамлар орасидаги дўстона, инсоний муносабат, халқлар биродарлиги, миллатлараро элатларнинг тўла тенг ҳуқуқлилигидир.

Бироқ минг афсуски, айнан ана шу ниятларнинг амалга ошишини ҳуш кўрмайдиган кучлар мавжуддир. Дўстлигимизга раҳна солувчи иллатлар бор. Уларнинг мақсади халқларимиз ўртасига нифоқ, парокандалик солиш, номлари эса миллатчилик ва шовинизмдир.

Одам боласининг бағри-дилини қон қилувчи сўзлар булар! Дунёда ўзаро ноаҳилликдан, манманлик ва ўринсиз гина-ва қудуратлардан кўра хавфлироқ нарса йўқ.

Жумҳуриятимизнинг азиз фуқаролари! Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди сизларга мурожаат қилади: миллатчилик ва шовинизмга қарши, одамлар ўртасида адоват уруғини сочувчиларга қарши тинмай курашингиз, юртдошларимиз осойишталигини таъминлаш учун якдил бўлинг. Афсуски, бу осойишталик баъзи жойларда бузилди, одамларда ҳадик ва қўрқув ҳислари пайдо бўлди. Натижада аҳолининг ҳаловати бузилиб, ҳаёт мароми издан чиқа бошлади.

Биз, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегатлари:

Сиз коммунистларга мурожаат этамиз!

Халқлар орасига нифоқ солувчиларга қарши курашда дадил, бир сўзлик, шижоаткор бўлингиз. Ҳамиша халқ орасида, ҳамиша халқ билан мулоқотда бўлинг, КПСС-нинг ҳозирги миллий сиёсатини ва саъйи ҳаракатларини сабр-тоқат ва далиллар билан тушунтиринг. Меҳнатингизда, жамоат ишларида, халқ хизматида доим намуна бўлинг. Совет байналмилалчилигининг асл, эзгу моҳиятини асраб қолиш учун куч-гайратингизни, билимингизни аяманг!

Жумҳуриятимиз ишчилари!

Сизга мурожаат қилаётирмиз. Барча миллатлар, эллар, элатлар ишчиларининг синф сифатида тақдирдош эканлигини ёддан чиқарманг, миллатларнинг орасини бузмоқчи бўлганларга зарба беринг, Ахир меҳнат деган тушунча барча халқлар тилларида ҳам бир маънони англатади. Русча ёки ўзбекча, қозоқча ё тожикча, корейсча ё татарча ёки қорақалпоқча меҳнат бўлмайди. Меҳнат, пешона тери тўкиш ўз табиатига кўра барча миллат ва халқлар учун бир хил байналмилал тушунчадир.

Сизларга мурожаат қиламиз, азиз ва заҳматкаш қишлоқ аҳли!

Табаррук тупроғимизнинг неъматларини, фаровонликни сизларсиз тасаввур этиш сираям мумкин эмас. Дастурхонимизда турган насибамиз — нонимиз сизнинг туҳфангиз. Ундан баҳраманд бўлаётганлар кимлар, қайси миллат вакили эканлигининг аҳамияти йўқ. Аммо у ким бўлишидан қатъи назар қадоқ қўлларингизни ўпиб, тавоф қилиши муҳимдир. Шунинг учун ҳам бободеҳқон деган муқаддас номни бундан буён табаррук тутайлик.

Муҳтарама аёлларимиз, оналаримиз, опа-сингилларимиз!

Сизга ҳам қалб даъватимизни изҳор этмоқчимиз. Миллатчилик, шовинизм сингари мараздан болаларингизни, ака-ю укаларингизни, турмуш ўртоқларингизни асраб қолишга астойдил интилинг. Инсон боласи борки, у онадан дунёга келади. Барча халқларнинг умумий номини биз одамзот деб атаймиз. Сиз одам зотининг меъмори ҳисобланасиз. Сиз учун бегона, ўгай фарзанд бўлиши мумкин эмас. Барча болалар оналар жигарининг бир парчасидир. Барча оналар фарзандларини оқ сут бериб ўстиради.

Муҳтарам оқсоқолларимиз!

Болаларингизга, набираларингизга уқтиринг. Урушда ва кейинги оғир йилларда ҳам турли миллат вакиллари аҳил яшаган эдилар-ку? Уша пайт бир майизни ҳам бўлиб еган ватандошларимизга дўстликдан ортиқ бойлик бўлмаганлигини фарзандларимизга қайта-қайта эслатинг!

Қадрли ёшлар, талаба аҳли!

Ёши улуғлардан сўраб кўрингчи, сизлардан аввал улар қандоқ яшашган экан? Айрилганни айиқ, бўлинганни бўри ер деганлар. Ахир аҳил бўлиб яшашга нима етсин. Қарияларимиз биродарликнинг қадрини яхши биладилар! Сизнинг соғлом фикрингизга ваҳшат соясини солувчи кимсаларнинг ичлари қора, ниятлари бузуқдир. Ёшликка дўстлик, аҳиллик ярашади. Бунни сира унутманг!

Фан, маданият, санъат вакиллари!

Зиёли ўртоқлар! Сизларга мурожаат қиламиз:

Шуни унутмангки, зиёли деган нем нур манбаи деганидир. Сиз халқнинг виждони, элнинг овози ҳисобланасиз. Зиммангиздаги буюк масъулиятни сира ҳам унутманг. Бир оғиз ноўрин сўз, ўйламай ташланган қадам қандай оқибатларга олиб келиши сизга аёндир. Маданият, тил, урфу одатларга, инсоният анъаналарига посбонлик қилинг, айни чоғда халқларни тотувликка чорланг!

Биз, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди делегатлари яқиндагина жумҳуриятимиз Президентининг юртдошларимизга Мурожаатида янграган чуқур изтиробли қалб тугёнини теран тушунамиз ва уни қўллаб-қувватлаймиз. Фарғона, Паркентда юз берган машъум воқеалар туфайли ҳалоқ бўлганларнинг хотираси олдида бош эгамиз. Шу воқеаларининг асл ташкилотчиларига халқимизнинг лаънатлари ёғилсин! Бу бузғунчилар абадий тавқи-лаънатга дучордирлар!

Нифоқ ва тарафкашликдан ким обрў тепибди! Ўйлаб кўринг.

Ёлғизлик, танҳолик инсон дилини исканжага олади. Буни ҳам унутманг?

Биз бошимизни баланд кўтариб баралла, бор овоз билан доимий бор ҳақиқатни яна бир карра такрорлаймиз:

Ўзбек халқи азалдан олийжаноб, улуғ қалбли, очиқ кўнгилли, дўстпарвар эди, ҳозир ҳам шундайдир. Халқимиз бундан буён ҳам шу фазилатлар эгаси бўлиб қолаверади.

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди минбаридан туриб, 20 миллионли жумҳуриятимиз аҳлига мурожаат этамиз. Хонадонларимизда осойишталик барқарор бўлишини таъмин қилайлик, жумҳуриятимиз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат вакилларининг инсоний дўстлигига, якдиллигига эришайлик. Биз Ўзбекистонни дўстлик жумҳурияти деб эълон қиламиз. Келинг, барчамизга насиб этган катта хонадонимизда дўстлик ҳаниша бор бўлсин. Иттифоқимиз парокандаликка юз тутмай, тобора мустаҳкамланиб, камол топаверсин!

СССР—АҚШ: АМАЛИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ САМАРАЛИ ВОСИТАСИ УЧУН

Миннеаполис (Миннесота штати), 5 июнь. (ТАСС махсус мухбирлари). Илгари хабар қилинганидек СССР Президенти якшанба куни Ўрта Ғарб савдо-саноат доиралари ва агросаноат комплекси намояндалари билан учрашди. АҚШдаги энг катта корпорацияларнинг намояндалари бу учрашувга қизиқдилар. М. С. Горбачев тўпланганлар ҳузурида нутқ сўзлади.

Бир неча соат муқаддам, деди у, биз Президент Буш билан биргаликда олий даражадаги Вашингтон учрашувига якун ясадик, бу учрашувнинг тарихга ишонч ва умидбахш учрашув сифатида киришига шубҳа қилмайман.

Президент Буш билан музокараларда ва Кэмп-Дэвиддаги норасмий фикрлашиш чоғида, шу кунларда американликлар билан жуда кўп мулоқотларда иқтисодий масалалар бир неча бор асосий равишда тилга олинганлигини айтиб ўтмоқчиман.

Иқтисодиётимизни қайта қуриш Совет Иттифоқи XXI асрга жаҳон хўжалигининг уйғун таркибий қисми бўлган демократик ҳуқуқий давлат сифатида кириб боришига қаратилган.

Бу соҳада асосий жиҳатлар иқтисодиётимизнинг жаҳон бозори қонунлари ва тўсиқа мос бўлиши даражасини оширишдир.

Чинакам бозор иқтисодиётини барпо этиш учун жуда катта иш қилиш лозимлигини биз яхши биламиз. Гап аввало солиқ солиш, соҳибкорлик, монополияга қарши қонунлар ва кредит-молия қонунлари, ижтимоий ҳимоя чоралари ҳақида бормоқда.

(Давоми тўртинчи бетда).

Президентлик кенгашида йиғилиш

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва жамоатчиликнинг қонунбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб туриш учун 27 март куни СССР Президенти кенгашида тузилган гуруҳнинг йиғилиши 4 июнь куни А. Н. Яковлев раислигида бўлиб ўтди. Қонунийликни, ҳуқуқ-тартиботни ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалаларини муҳокама қилишда СССР Президентлик кенгашининг аъзолари В. А. Крючков, В. В. Бакатин, В. А. Ярин, СССР адлия министри В. Ф. Яковлев, СССР бош прокурорининг биринчи ўринбосари А. Д. Васильев, СССР Олий суди раисининг ўринбосари А. М. Филатов иштирок этдилар.

(ТАСС).

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг партия XXII съездига Сиёсий маърузаси ва Ўзбекистон Компартияси Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи юзасидан музокаралар

Бухоро вилоят партия комитетининг биринчи котиби

Д. С. ЁДГОРОВ нутқидан

Бу галги ҳисобот-сайловларнинг ўзига хос хусусияти шу бўлдики, фикр ва мулоҳазалар бир-бири билан тўқнашди, сиёсий мунозара ва баҳслар қизғин тус олди.

Биз фикр ва мулоҳазаларнинг бирлиги деб аталган сийқа андозадан халос бўляпмиз. Бир мақсаднинг ўзига турли йўл ва воситалар билан эришиш мумкинлигини биламиз. Шу сабабли фикрлар бир жойдан чиқадиган йўлни излаш, ягона вазифаларни ҳал этишга ёндашувларни топиш зарур.

Ўтган ҳисобот-сайлов маъракасида вилоят партия конференциясининг ва жумҳурият Компартияси XXII съездининг барча делегатлари, вилоят партия комитетининг аъзолари қўйи бўғинларда, фақат вакиллик нормасига мувофиқ сайланди. Шу тарқа биз мухолифларимизнинг «аппарат найранглари» билан шуғулланмоқдалар, деб бизни айблашларига имкон қолдирмадик. Партиявийлар оммаси ўз ақли билан ўзининг ҳақиқий раҳбарларини танлаб олди.

Айни вақтда биз бошқача кайфиятларга дуч келдик, бу кайфиятларга биз ҳеч қачон қўшила олмаймиз. Бунда мен коммунистлар бир қисмининг ва ҳатто баъзи бошланғич ташкилотларнинг «демократик платформа» деб аталган оқимга хайрихоҳлик билдирганликларини назарда тутяпман. Афсуски, улар, назаримда, шиорларнинг ялтироқлиги, ибораларнинг жимжимадорлигига маҳлиё бўлиб, бу платформанинг ҳақиқий моҳиятини ва нифоқчилик йўналишини фаҳмлаб ололмаганлар. «Демократик платформа»нинг мақсади жуда равшан: бу мақсад партияни янги сифат поғонасига кўтариш йўлларини излашдан иборат бўлмай, балки уни ўз ичидан парчалашни кўзловчи усталик билан ниқобланган истакдир. Айни вақтда бу платформанинг иш бошлари ва мафкурачилари ҳокимият жиловини қўлга олиш учун зўр бериб ҳаракат қилмоқдалар. Бунинг оқибатлари нима бўлишини изоҳлашнинг ҳожати йўқ деб ўйлайман. Бунинг оқибати тартибсизлик ва сиёсий чигаллик бўлиши турган гап.

Умуман областда, барча партия ташкилотларида Марказий Комитетнинг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва КПССнинг янги Устави лойиҳалари қўллаб-қувватланди. Шу билан бирга коммунистларимиз ҳақли равишда шундай ҳисобламоқдалар: Ҳаракат дастури лойиҳасида жамият тараққиёти аниқ тарихий таҳлил этиб берилиши, ҳозирги босқич баҳоланиши, истиқбол ва стратегик мақсад аниқроқ ва тўлиқроқ белгиланиши зарур, Устав лойиҳасида эса партияда қатъий интизомни таъминлайдиган қоидалар, ҳар бир партия аъзосининг шу қоидаларни бузганлик учун масъулият мезони белгилаб қўйилиши лозим.

Жумҳурият Компартияси Марказий Комитети билан ҳукумати қабул этаётган чора-тадбирлар неча ўн йиллардан буён афкор оммани ташвишга солиб келаётган газак олиб кетган иллатлардан халос қилишга қаратилган. Аввало ер тўғрисидаги масалани олайлик. Қишлоқ меҳнатчиларига қўшимча ер бериш, машина-механизмлар, ем-хашак, ёш моллар билан ёрдамлашиш орқали биз деҳқонларнинг ерга бўлган ихлосини қайта тиклаяпмиз, шахсий манфаатдорлигини оширяпмиз ва айни вақтда Совет ҳокимияти билан партия идораларига ҳурматни тиклаяпмиз.

Ҳукуматнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, айниқса пахтанинг харид нархларини адолат юзасидан қайта кўриб чиқиш ҳақидаги ваъдаси, кам даромадли ва кўп болали оилаларга, аёлларга, ветеранларга, ногиронларга, талабаларга ва бошланғич синфларнинг ўқувчиларига ижтимоий ёрдам бериш дастури амалга оширила бошланганлиги маъқуллаб кутиб олинди. Партия органлари вазифаларни фарқлаб қўйиш ғоясига содиқ бўлиб қолиш билан бирга иқтисодиётдаги ва ижтимоий соҳадаги ишларнинг аҳволи учун масъулиятни ўз зиммаларидан соқит қилмаяптилар. Биз совет ва хўжалик органлари билан аҳиллик билан ишлашни, йиғилиб қолган муаммоларни биргаликда ҳал қилишни афзал кўрамиз.

Бу нарса ижобий натижалар бермоқда. Кейинги йилларда вилоят иқтисодиёти муттасил, жўшқин ривожланмоқда.

Вилоятда экология муаммоси кескин ёмонлашди. Домхўжа — Навоий — Бухоро сув қувури ишга туширилгач бу муаммони бирмунча ҳал этиш мумкин бўлади. Унинг қуриш суръатларини жадаллаштириш мақсадида жумҳурият ҳукумати Марказий Комитетнинг мадади билан шу йил учун бизга қўшимча равишда 20 миллион сўм пул ажратди. Хуллас, Бухоро аҳолиси яхши ичимлик сувини белгиланган муддатлардан эртароқ олишига умид қилса бўлади.

Вилоятимизда муаммо ва қийинчиликлар жуда кўп. Улар бизни жуда ташвишга солмоқда.

Бироқ шундай масалалар ҳам борки, биз уларни биргаликда, Марказий Комитет, иттифоқ ва жумҳурият министрликлари ҳамда идораларининг ёрдами билан ўзимиз ҳал этишимиз керак. Масалан, Биз Навоий конметаллургия комбинатининг ишлаб чиқариш соҳасини ўзгартириш муаммосини бир ўзимиз ҳал эта олмаймиз.

Вилоят комитети билан жумҳурият Компартияси Марказий Комитети ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳақида икки оғиз гапирмоқчиман. Янгиланиш жараёнлари бу муносабатларнинг шаклга ва мазмунига таъсир қилиш керак, деб ўйлайман. Марказий Комитет билан вилоят комитетининг, шунингдек жумҳурият партия ташкилоти бошқа қўйи идораларининг ҳуқуқ доирасини аниқ фарқлаб қўйиш зарур. Бу эса, ўз навбатида, бир қанча вазифаларни юқори идоралардан вилоят, шаҳар, район ва бошланғич партия ташкилотларига олиб беришга, кадрларни танлаш, идораларнинг тузилишини белгилаш ҳамда бошқа ташкилий, мафкуравий, молиявий масалалар ва бошқа масалаларда мустақилликни оширишга олиб боради.

Қоғозбозликдан, турли-туман арзимас масалаларни узоқ вақт келишиб олишдан, тавсия этиладиган мутахассисларнинг ҳужжатларини расмийлаштиришдаги сансалорликдан, телефон орқали тез-тез ахборотлар беришдан, дастлабки тарздаги суҳбатлашувлар ва шу кабилардан қутулиш лозим.

Баъзан Марказий Комитетнинг айрим ходимлари қўйидан бўладиган ташаббусларга дарҳол шошапиша салбий баҳо бериб қўяётгандек туюлмоқда. Ҳа, ҳозир ҳаммамиз ҳам баробарав одим ташлаётганимиз йўқ. Баъзилар сийқа усуллардан воз кечиб, янгича ишлаб кўришни хоҳламоқдалар. Ҳаммамизнинг мақсадимиз битта, у ҳам бўлса, инсоннинг ташвишлари ва эҳтиёжлари ҳақида ўйлаш, қайта қуришни рўёбга чиқаришдир.

Сиз, съезд делегатларини партия анжуманларимиз ишидаги сийқа усуллардан воз кечишга чақирмоқчиман. Менимча, ўзимизни ўзимиз шу кунларга солиб қўйганимиз учун бир-биримизни, қўйидагиларни ва юқори идорадагиларни ҳам шафқатсизлик билан фош қилиш бобида анча илгарилаб кетдик. Эҳтимол, танқидий руҳ ва таҳлилни ўзгартирмай туриб, асосий куч-ғайратни жумҳурият турмушининг барча соҳаларида вужудга келган вазиятдан қутулиш йўлларини излашга қаратсак, тўғри бўлур эди. Ҳозир бундан ҳам муҳимроқ иш йўқ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети иши қониқарли баҳога лойиқдир.

Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон вилоят комитетининг биринчи котиби

С. Д. НИЕТУЛЛАЕВ нутқидан

Қайта қуришнинг ғоят мураккаб даврида Қорақалпоғистон коммунистлари Ўзбекистон Компартиясининг партиямиз бирлигига ва совет федерациясига интилиши, мамлакатнинг сиёсий системасида КПССнинг етакчилик роли учун курашиш истаги ифодаланган қатъий йўлини маъқуллаб-қувватламоқдалар.

Жумҳуриятда айниқса сўнгги йилда муайян ижобий ўзгаришлар содир бўлди ва ҳозир ҳам шундай ўзгаришлар юз бермоқда. Марказий Комитет ва унинг Бюроси фаолияти янада аниқроқ ва собитқадамроқ бўлиб қолди. Мазкур даврдаги энг асосий масалани фарқлай олиш, коммунистлар ва партиясизларни ўртага қўйилган вазифаларни сира кечиктирмай аниқ бажаришга сафарбар этиш маҳорати Ўзбекистон Компартияси сайловолди Ҳаракат дастурида яққол намоён бўлди. Бу ҳужжатда жумҳурият аҳолисининг аниқ ижтимоий тоифаларига қаратилган сиёсатнинг яхлит йўналиши ўз ифодасини топди. Аҳолини иш билан таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларни, шахсий томорқа участкаларини ажратишни, аҳолининг камбағал тоифалари моддий таъминотини оширишни, барча ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар билан мулоқот ва ҳамкорлик қилишга интилишни бутун қорақалпоқ аҳли қўллаб-қувватлади ва бу тадбирлар Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарор этишнинг муҳим омили бўлиб қолди.

Шу билан бир вақтда юз берган миллатлараро низолар ва кўп йиллар давомида тўпланиб қолган ижтимоий-иқтисодий муаммолар тезроқ, баъзаи янгича ҳал этишни талаб қилмоқда. Бизнинг фикримизча, турли регионлардаги кескин вазият оқибатларини эмас, балки сабабларини чуқурроқ таҳлил этиш, бундай вазиятнинг олдини оладиган чора-тадбирларни шошилинч ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим. Ҳозирги пайтда қўйи партия бўғинлари жамоат ташкилотлари ва норасмий ҳаракатлар билан очиқчасига, тўғридан-тўғри мулоқотни йўлга қўйиш масалалари юзасидан юқори органларнинг методологик ёрдамига ва тавсияларига жуда муҳтож.

Бошланғич партия ташкилотининг ролини тубдан ўзгартиш натижасидагина партияда қайта қуришда чинакам муваффақиятга эришиш мумкин. Бироқ Марказий Комитет фаолиятида партиянинг ана шу асосий бўғинига эътиборнинг сусайиши кўзга ташланмоқда. Бир вақтлар, бизнингча пухта ўйламай ўтказилган бошланғич партия ташкилотлари жанговарлиги кўриги расмий тадбирлар ва қоғозбозлик доирасида ўралашиб қолди, уларни жонли ташкилотчилик ишларидан четга тортди. Ишнинг сиёсий усулларини эълон қилишдан уларни бевосита амалга оширишга ўтиш — барча даражадаги партия комитетларининг, шу жумладан Марказий Комитетнинг ва аввало унинг ташкилий-партиявий ишлар ва кадрлар билан ишлаш бўлимининг иш услуби ва усулларини такомиллаштириш лозим.

Ҳозирги вақтда КПСС қайта қуриш кучларининг чинакам ташкилотчисига айланиши учун ҳамма зарур нарсага эга. Партия ички турмушини чуқур демократиялаш жараёнлари унинг етакчилик мавқеини мустаҳкамлашнинг гаровидир. Бу жараёнлар КПСС Марказий Комитетининг съездга Ҳаракат дастури ва партиянинг янги Устави лойиҳаларида акс этган. Ана шу съезд-олди ҳужжатларини ҳисобот сайлов йиғилишлари ва конференцияларида муҳокама қилиш чоғида муҳтор жумҳурият коммунистлари умуман уларнинг асосий йўналишларини қўллаб-қувватладилар, уларнинг «демократик ҳаракат дастури»дан принципиал фарқларини таъкидладилар. Коммунистлар «демократик платформа» партия бирлигини мустаҳкамлаш учун асос бўлиб хизмат қила олмайди, деб ҳисоблаб КПСС етакчи тузилмаси партия бўлишини якдиллик билан ёқлаб чиқдилар. Шу билан бирга юзлаб таклифлар ва мулоҳазалар айтилди.

Мухтор жумҳурият партия ташкилоти ҳуқуқлари ва мустақиллигини кенгайтириш масаласи етилган масала, деб ҳисоблаймиз. Шу билан бир вақтда биз Қорақалпоғистон АССР аввало Ўзбекистоннинг ажралмас қисми эканлигини бир дақиқа ҳам унутмаймиз, қардош халқларимиз қарашларининг бирлиги, манфаатлари, тарихий анъаналарининг муштараклиги тўғрисида гапиришга ҳожат ҳам йўқ.

Қайта қуриш давомида, айниқса сўнгги йилларда Марказий Комитет, кўпгина жумҳурият идоралари Қорақалпоғистон муаммоларига кўпроқ эътибор берадиган бўлиб қолдилар. Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши ҳузурида мухтор жумҳуриятнинг доимий вакилхонаси очилди, Нукус шаҳрида педагогика институти, Тошкентдаги баъзи олий ўқув юртларининг бўлимларини очиш масаласи ҳал қилинмоқда, Қорақалпоғистон аҳолисининг бошқа миллий-маданий эҳтиёжлари ҳам тўлароқ қаноатлантириладиган бўлиб қолди.

Шубҳасиз, иттифоқ партия ва ҳукуматининг Қорақалпоғистон ва Оролбўйига доир иккита маълум қарори етилган ижтимоий-иқтисодий ва экология муаммоларини ҳал этишга омил бахш этди. Кўп иш қилинди.

Бироқ региондаги вазият чигаллашиб бормоқда, шу сабабли ушбу қарорларда кўзда тутилган ва амалга оширилаётган тадбирлар ҳозироқ етарли бўлмай қолди. Очиғини айтиш керак, бир қанча министрлик ва идоралар мухтор жумҳуриятнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳали ҳам етарли ҳисобга олмаётирлар. Масалан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Қорақалпоғистон АССРни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришни жадаллаштириш масалалари юзасидан 1986 йил 15 апрелда қабул қилган 200-рақамли қарорининг кўпгина бандлари бажарилмади. Марказий Комитет ўзи қабул қилган қарорлар ижросини назорат қилиш ва текширишни бўшаштириб юборганлиги худди шунда намоён бўлди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари гуруҳи ишини янгитдан бошлаб юбориш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу гуруҳ турли идоларнинг кучғайратини мувофиқлаштириш, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг Оролга оид қарорларини бажаришда амалий ёрдам кўрсатиш учун кўп иш қилган эди.

Мухтор жумҳурият ўз тараққиётининг кўпгина кўрсаткичлари жиҳатидан Ўзбекистондаги кўп вилоятлардан орқада қолмоқда.

Биз экология кулфати марказида қолган Қорақалпоғистон АССР Ўзбекистон халқ хўжалиги системасида алоҳида иқтисодий зонага ажратилиб, унга саноат, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни, ижтимоий соҳаларни устун даражада ривожлантиришни таъминлайдиган тегишли мавқеи бериш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бу шунинг учун ҳам муҳимки, мухтор жумҳурият иқтисодиётининг бозор иқтисодиётига ўтиш даврида паст даражаси бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш чоғида тағин ҳам салбийроқ таъсир қилади, 40 фоиздан ҳам кўпроғи ҳозир қашшоқ яшаётган мухтор жумҳурият аҳолисида хавотирлик ва ташвиш уйғотади. Шу сабабли биз жумҳурият Олий Совети ва ҳукуматининг бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтишни жадаллаштириш асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва кундалик зарур буюмлар нархини аҳолининг ижтимоий ҳимояланиши ишончли кафолатларини ишлаб чиқмай туриб ошириш мумкин эмаслиги тўғрисида мамлакат раҳбариятига мурожаатномасини қўллаб-қувватлаймиз.

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг биринчи котиби

О. ЁҚУБОВ нутқидан

— Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди билан бугунги съезд ўртасидаги давр, жумҳуриятимиз ва халқимиз ҳаётидаги энг оғир, энг мураккаб, энг машаққатли даврлардан бири бўлди.

Бу даврда марказий матбуот томонидан жумҳуриятимиз бошига ёмғирдек ёғилиб турган «ўзбеклар иши», «пахта иши» каби фақат кўзбўямачилар ва юлғичларни фош этибгина қолмай, оддий деҳқонларимизни ҳам ноҳақликда, ноҳалолликда айблашга уринган мақолалар ва телекўрсатувлар халқимизнинг қалбини ўкситмаслиги, уни руҳан эзмаслиги мумкинмиди? Мен бу масалада докладчига тўлиқ қўшиламан.

Албатта, ҳеч бир жиноят ва жинояткор жазосиз қолмаслиги керак. Лекин орадан кўп ўтмай, шу нарса ойдинлашдики, қамалган кишиларнинг кўпчилиги бегуноҳ экан. Улар ўзларининг қудратли ва шафқатсиз раҳбарларининг буйруғини бажарган оддий деҳқонлар, звено бошлиқлари, борингки, бригадирлар экан. Уларнинг қарийб ҳаммаси кейинчалик оқланиб чиқди, лекин умри фақат меҳнат билан ўтган бу шўрликларнинг тортган азоблари учун ким жавоб беради? Уларнинг кўнгилларидан бу уқубатларни қандай кўтарамиз, чиқара оламиз?

Менинг кузатишимча, ҳеч бир жумҳуриятда, мамлакатимизнинг ҳеч бир бурчагида ўз миллий кадрларига бу даражада менсимай қараш, уларни бу даражада ерга уриш содир бўлмаган.

Сўнгги 5—6 йил давомида ўша машъум «пахта иши» муносабати билан ўз хизматидан ҳайдалган маҳаллий кадрлар ўрнига мамлакатимизнинг турли жабҳаларидан минглаб, юзлаб раҳбар кадрлар келишди. Бугун, орадан маълум бир давр ўтгач, биз бу кадрлар ишига ҳам баҳо бериш ҳуқуқига эгамиз. Бу кадрларнинг энг адолатли, энг яхшилари маҳаллий кадрлар билан баробар ишлашяпти. Буни тан олмаслик ҳам адолатсизлик бўлур эди. Лекин мени бошқа бир нарса кўп ўйга солади. Гап шундаки, бу дўстларимиз бир неча йилдан буён шу юртда яшашмоқда, халқимизнинг аҳволини кўришди, ўн болалик оналар пахса деворлар кўтарилган; зах кулбаларда фақат қотган нон ва чой билан кун кўришаётганлигига гувоҳ бўлишди. Лекин мен чуқур афсус билан айтишга мажбурманки, бу кадрлардан биронтаси ҳам бу ҳақда жон қуйдириб гапирмади. Шўрлик ўзбек аёли ва ўзбек болалари «оқ олтин» деб аталмиш неъматни қай даражада оғир меҳнат эвазига етиштираётганларини кўра била туриб, на марказий матбуот саҳифаларида, на Москвадаги йирик масъул йиғин-анжуманларда бу дардларни кўтариб чиқдилар. Ҳолбуки, юртимизда қайта қуриш давридан олдин келиб, ўзбек тилини меҳр билан ўрганиб, тўйда ҳам, азада ҳам бирга бўлиб келган ва жуда катта ҳурмат қозонган бошқа миллат вакилларини биламиз, рус халқидан чиққан кадрларни биламиз. Ҳозирги кадрлар улардан ўрганишса ёмон бўлмас эди.

Ҳақиқатдан, қайта қуриш даври биз учун осон кўчмади, фақат сўнгги бир йил елкамизга сал оғтоб тега бошлади. Марказий Комитетимиз ва Президентимизнинг адолатни тиклаш, деҳқонларимизнинг оғирини сал бўлса-да енгил қилишга қаратилган қатор чора-тадбирлари халқимизнинг кўнглини тоғдай кўтармоқда, ўксик кўнглига таскину-тасалли бермоқда.

Энди сизларда битта савол туғилиши мумкин: хўш, сўнгги йилларда элимиз бошига шунча кулфатлар тушган экан. Бу туҳматлардан халқимизни фориг этиш йўлида, ҳақ ва адолат курашчилари ҳисобланмиш сиз, ёзувчи ва санъаткорлар нима каромат кўрсатдиларингиз? Мен бу мураккаб саволга жавоб беришдан олдин шуни айтишни истардим-ки, оддий меҳнаткаш бошига тушган кўп мушкулотлар яқин-яқинларгача адиблар бошида ҳам бор эди. У даврда адабиёт ва санъатдан фақат бир нарса талаб қилинар, у ҳам бўлса, бизнинг мамлакатимизда ҳеч қандай нуқсон йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, дейилган талаб эди. Адабиётнинг вазифаси турмушда рўй бераётган қийинчиликлар ҳақида гапириш эмас, балки улкан қаҳрамонларнинг улкан ишларини тарғиб қилишдан иборат деб тушунтирилар эди. Албатта, ўша оғир ва мураккаб даврларда ҳам ҳаёт қийинчиликларини айтишга журъат этган ёзувчилар бўлди, бўлган, қатор дадил, ўткир романлар, қиссалар, достонлар, умуман анча-мунча ҳаққоний асарлар яратилган. Шу билан бирга ҳаётни бўяб-бежаб кўрсатиш талаби ҳам ўз ишини қилган. Оқибатда жиддий хатоликларга ҳам йўл қўйганмиз-ки, буни бугун мардона тан олмай илож-жимиз йўқ.

Биз бугун шуни мамнуният билан қайд этишимиз мумкинки, турғунлик йиллари бир қадар уйқуга чўмган адабиётимиз бугун уйқудан уйғонди. Бугун халқ ҳаётини бутун зиддиятлари билан ҳаққоний акс эттираётган қатор жиддий асарлар пайдо бўлди ва бўлмоқда.

(Давоми учинчи бетда).

СЪЕЗД ЗАЛИДА СУҲБАТ

Қизғин мулоқот.

Суратқаш: В. МОЛГАЧЕВ.

ДАСТЛАБКИ ТААССУРОТЛАР

Г. А. ГРИГОРЯН, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети секретари: — Сиёсий маъруза мазмуни теран, унда жумҳурият сиёсий-ижтимоий ҳаёти чуқур таҳлил қилинган. Айниқса партия ишини қайта қуриш ва уни тубдан янгилаш борасида жумҳурият коммунистлари олдида турган вазифалар аниқ ва равшан кўрсатиб берилган. Бироқ мен ҳисобот доклади тўғрисида эмас, ана шу маъруза юзасидан музокарага чиққан делегатларнинг нутқларига эътиборни қаратмоқчиман. Тўғри, ҳозирги кунда сиёсий иш билан иқтисодиётни бир-биридан сира ҳам ажратиб бўлмайди, улар узвий боғланиб кетган. Аммо бу нотиқларнинг фақат хўжалик масалалари юзасидан фикр юритиши мумкин, деган маънони билдирмайди. Афсуски кўпгина нотиқларнинг нутқларида асосий ўринни хўжалик масалалари эгаллаб олди. Партияни тубдан янгилаш, қайта қуриш борасида олдинда турган вазифалар эътибордан четда қолдирилди. Ушбу анжуман коммунистларнинг съезди экан, менимча, асосий эътибор мана шу кейинги вазифаларга қаратилмоғи зарур эди.

Менда айрим нотиқларнинг нутқлари эскича андозада тайёрланган деган таассурот ҳам бор. Жумҳурият Компартияси Марказий Комитети раҳбарияти номига мақтов сўзлари айтиш жоизмиди? Бунинг ўрнига съезд делегатлари эътиборини шу пайттача ҳал бўлмай келаётган муаммоларга қаратилса қайтага умум иши учун фойда бўлмасмиди?

М. АБДАЛОВА, Қўшкўпир районидаги Калинин номли колхоз пудратчиси, СССР халқ депутати:

— Маърузани эътибор билан эшитдим. Ўзимни қизиқтирган барча саволларга қониқарли жавоб олдим. Умуман, қайта қуриш ва янгиланиш ҳақида янада батафсилроқ гапирилса, Жумҳурият Компартияси Марказий Комитетининг съездга доир материаллари ва Марказий Комитетнинг ушбу масалалар бўйича ишлаб чиқилган ҳужжатлари ҳамма ишларимизни ошириб бажаришга ундаган, ишлаб чиқилган ишлар ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олиши, ўтган даврда амалга оширилган ишлар танқидий асосда чуқур таҳлил қилинганлиги ёқди. Демократияни янада такомиллаштириш ҳақидаги фикрга тўла қўшиламан. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, демократия деганда қатъий интизомни, интизом деганда эса демократияни тушунаман. Бу икки сўзни бир-биридан сира ажратиб бўлмайди. Чунки қаерда онгли интизом бўлса шу ерда ютуқлар ҳам кўпайиб бораверади. Мен бу гапни бежиз такрорлаётганим йўқ. Сабаби жуда кўп коллективларда демократия ниқоби остида бошбошдоқлик авжига чиқди. Интизомсизлик вужудга келди. Бу ҳақда сиёсий докладда ҳам батафсил гапирилган. Сирасини айтганда, ҳозирги етишмовчиликлар, танқидлар бир чеккаси ана шу бошбошдоқликлар оқибатида юзага келди.

Ўзим чорвадорман. Эсимни таниганимдан бери чорвачилик фермасида сут соғувчи бўлиб ишлаяпман. Меҳнатдан қадр-қиммат топдим. Жумҳурият Компартиясининг XXI съездида ҳам делегат бўлиб иштирок этгандим. Шу пайтгача Марказий Комитет аъзоси сифатида берилган топшириқларни сидқидилдан адо этиб келяпман.

Бригадамизда 36 чорвадор ишлайди. Шулардан 23 нафари партия аъзоси. Қатъий интизом йўлга қўйилгани сабабли маҳсулот етиштириш режаларини ҳамиша ошириб бажариб келяпмиз. Бригада кенгаши қарори билан Низом ишлаб чиқилган. Ана шу қоидага биноан ким ишга узрсиз кечикиб келадиган бўлса, у ўша куни фермага киритилмайди. Бригада қарори билан унга жарима солинади ва агар интизомсизлик давом этаверадиган бўлса бундан ҳам таъсирчанроқ чора кўрилади. Интизомга қаттиқ риоя қилинаётгани сабабли планларимизни ошириб бажаряпмиз. Коллектив аъзоларини рағбатлантириш ҳам бригада кенгаши қарори билан амалга оширилади.

Жумҳурият Компартияси Марказий Комитетининг съездга сиёсий маърузасидан сўнг газетамиз махсус мухбири Р. Турсунов танаффус пайтида бир қатор делегатлар билан съезд тўғрисидаги дастлабки таассуротлари ҳақида суҳбатлашди.

Ҳ. ҒАФУРОВА, Андижон районидаги Энгельс номли совхоз чорвачилик бригадаси бошлиғи: — Менга сиёсий докладда жумҳурият ҳаёти комплекс қамраб олинганлиги, ўтган даврда амалга оширилган ишлар танқидий асосда чуқур таҳлил қилинганлиги ёқди. Демократияни янада такомиллаштириш ҳақидаги фикрга тўла қўшиламан. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, демократия деганда қатъий интизомни, интизом деганда эса демократияни тушунаман. Бу икки сўзни бир-биридан сира ажратиб бўлмайди. Чунки қаерда онгли интизом бўлса шу ерда ютуқлар ҳам кўпайиб бораверади. Мен бу гапни бежиз такрорлаётганим йўқ. Сабаби жуда кўп коллективларда демократия ниқоби остида бошбошдоқлик авжига чиқди. Интизомсизлик вужудга келди. Бу ҳақда сиёсий докладда ҳам батафсил гапирилган. Сирасини айтганда, ҳозирги етишмовчиликлар, танқидлар бир чеккаси ана шу бошбошдоқликлар оқибатида юзага келди.

Ўзим чорвадорман. Эсимни таниганимдан бери чорвачилик фермасида сут соғувчи бўлиб ишлаяпман. Меҳнатдан қадр-қиммат топдим. Жумҳурият Компартиясининг XXI съездида ҳам делегат бўлиб иштирок этгандим. Шу пайтгача Марказий Комитет аъзоси сифатида берилган топшириқларни сидқидилдан адо этиб келяпман.

Бригадамизда 36 чорвадор ишлайди. Шулардан 23 нафари партия аъзоси. Қатъий интизом йўлга қўйилгани сабабли маҳсулот етиштириш режаларини ҳамиша ошириб бажариб келяпмиз. Бригада кенгаши қарори билан Низом ишлаб чиқилган. Ана шу қоидага биноан ким ишга узрсиз кечикиб келадиган бўлса, у ўша куни фермага киритилмайди. Бригада қарори билан унга жарима солинади ва агар интизомсизлик давом этаверадиган бўлса бундан ҳам таъсирчанроқ чора кўрилади. Интизомга қаттиқ риоя қилинаётгани сабабли планларимизни ошириб бажаряпмиз. Коллектив аъзоларини рағбатлантириш ҳам бригада кенгаши қарори билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг партия XXII съездига Сиёсий маърузаси ва Ўзбекистон Компартияси Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи юзасидан музокаралар

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

Адабиётимизда халқимизнинг тилида ва дилида юрган дардларни дадил кўтариб чиқаётган асарлар тобора кўпайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам кечагина оз нусхада чиқаётган ёзувчилар уюшмасининг газета-журналлари бугун 100 минг, балки миллион нусхаларда чоп этилмоқда, севиб ўқилмоқда.

Албатта, бу билан мен халқнинг маънавий тарбиячиси, унинг ҳимоячиси ҳисобланган адабиёт ўзига юклатилган олижаноб вазифаларни тўла амалга ошираяпти дея олмайман. Айниқса марказий матбуот ва телевидениеда ёритилган жуда кўп ноҳақ гапларни рад этиб, ҳақиқатнинг қарор топишига ҳисса қўшдик, дея олмайман.

Марказий Комитетимиз адабиётга нисбатан илгари йўл қўйилган нотўғри талаблардан воз кечиб, ёзувчилардан фақат бир нарсани, фақат ҳақиқатни, улкан ҳақиқатни, бор ҳақиқатни айтишни талаб қилмоқдаки, бу ҳам ёзувчиларимиз ва зиёлиларимизни қатта ижодий зафарларга рағбатлантирмоқда.

Бугунги кунда партиямиз Марказий Комитети ва Президентимизнинг тарихимиз, маданий меросимиз ва ўтмишда йўл қўйилган хатоларга барҳам бериш, Абдулла Қодирий ва Чўлпон, Фитрат ва Усмон Носир каби буюк адибларимиз хотирасини абадийлаштириш, улар яратган ўлмас асарларни халқ мулкига айлантириш борасида қилаётган ишлари ҳар қандай таҳсинга лойиқдир.

Боя докладда айтилганидек, улуғ бобомиз Алишер Навоий, Улуғбек, Бобир, Машраб, Фурқат хотирасини абадийлаштириш борасида чиқарилган қатор қарорлар халқимизнинг ғурурига ғурур қўшди. Зотан, биз бугун миллий ғурур масаласи тўғрисида ҳам жиддий ўйлаб кўрмоғимиз лозим. Миллий ғурур — бу миллатчилик эмас, ўртоқлар.

Миллий ғурур миллатчилик тушунчасига қарши ўлароқ, ўз юрти, ўз халқи, ўз тили, ўз тарихига чуқур муҳаббат қўймоқ демакдир. Шунинг учун ҳам биз ҳар бир инсоннинг ўз инсоний қадрини тарбиялашга, унда миллий ифтихор уйғотишга хизмат қилувчи, инсонни ҳалолликка, эзгуликка, олижанобликка чақиришда бебаҳо восита ҳисобланмиш адабиёт ва санъатга, докладда айтилганидек, жуда катта эътибор беришимиз керак. Ўз адабиёти, ўз тили, тарихини билмаган, уни эъзозламаган, унинг қадрига етмаган халқ — келажаги йўқ халқдир.

Бугунги оғир шароит, бозор муомаласига ўтиш муносабати билан бизни кутаётган навбатдаги қийинчиликлар шуни кўрсатадики, ҳар бир халқ байналмилал турмушини унутмаган ҳолда, ўз қадри учун курашга олмоғи лозим, ўз манфаатларини ҳимоя қила олиши шарт экан. Гап шундаки, марказ бозор муомаласига ўтиш шиорини ўртага ташлади-ю, қайси республика қай аҳволда эканини билмайди, қайси республика умумиттифоқ қозони деб аталмиш тўймас қозонга қанча масаллиқ солаяпти ва ундан қанча неъматни чўмичлаб олаяпти, буни ҳам билмайди.

Жумҳуриятимиз раҳбарлари бу ноҳақликларга чек қўйиш мақсадида қатор тадбир ва қарорлар қабул қилишмоқдаки, уларни қўллаб-қувватлашимиз зарур, дўстлар.

Самарқанддаги «Кинап» заводи партия комитетининг котиби

Г. С. ПАРЯЕВА нутқидан

Партия ва жамиятдаги мураккаб вазиятга умуман сиз билан бизнинг ўтмишдаги хатоларимизгина эмас, ҳозир ҳам йўл қўяётган хатоларимиз сабаб бўляпти.

Вужудга келган аҳволнинг сабаблари жуда кўп. Мен шу сабаблардан баъзиларига тўхталиб ўтмоқчиман. Коммунистларнинг лоқайдлиги, партия раҳбарларининг оддий КПСС аъзоларидан ажралиб қолганлиги ва қолаверса, биз ҳамон юзаки ишлаб келаётганимиз, кўпинча жуда тўғри ғояларни ўртага ташлаб, аммо уларни рўёбга чиқариш ҳақида унчалик ўйламаётганлигимиз шу сабаблар жумласига киради.

Масалан, КПССнинг янги Устави лойиҳасида бошланғич партия ташкилоти партиянинг негизи эканлиги тўғрисидаги ғоя мустаҳкам белгилаб қўйилган, партиявийлар оммасининг ҳокимияти эълон қилинган. Залда ўтирган кишилардан биронтасида бу ғоя шубҳа туғдирмайди, деб ўйлайман, бироқ айни вақтда ҳозирги вазиятда бу ғоя-ғояларни амалга ошириш осон бўлмаслигини ҳисобга олмай қололмаймиз.

Узоқ йиллар давомида кўпгина оддий коммунистлар «юқорида» қабул этилган қарорларни итоатгўйлик билан қабул қилишга одатланиб қолганлар. Партиянинг раҳбар органлари эса оддий коммунистлар билан унчалик маслаҳатлашмай қарорлар қабул этишни одат қилганлар.

Барча поғоналардаги сайлаб қўйилган органлар аъзоларининг фаоллигини ошириш ва уларнинг ролини қайтадан идрок этишдан иборат мураккаб вазифани ҳал қилиш керак. Кўпгина коммунистлар учун район, шаҳар партия комитетининг аъзоси деган ном одамлар орасида сиёсий иш олиб бориш мажбуриятини юкламайдиган фахрли бир лавозимгина бўлиб қолган. Бу эса ҳозирги бош вазифалардан бирини — партия раҳбар органларининг бошланғич партия ташкилотлари билан алоқасини яхшилаш вазифасини ҳал этишга имкон бермайди, вужудга келаётган кўп партиялилик шароитида бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Сайлаб қўйилган органлар аъзоларининг ва съезд делегатларининг масъулияти ҳамда мавқеини ошириш учун уларнинг мақомини ишлаб чиқиш керак. Улар нима билан шуғулланишларини, ўз ҳуқуқлари ва масъулиятини билиб олишлари лозим.

Партиянинг тузилиши соддалаштирилмоқда, аппарат ходимларининг сони; раҳбар партия органларининг босқичлилиги камайтирилмоқда. Бироқ, бу иш давомида, афсуски, яхши таълим олган, партиявий иш тажрибасига эга бўлган кадрлар юқоридан пастгача муносиб ўринларга қўйилмаяпти.

Яна бир гап: партиявий ички турмушнинг муҳим масалалари юзасидан оддий коммунистларни хабардор қилмай туриб, партиявийлар оммасининг ҳокимиятини қандай қилиб қарор топтириб бўлади. Бир мисол келтираман: КПСС Марказий Комитетининг «Принципиал асосда жипслашиш учун» деган хати хусусида одамлар ҳар хил фикр билдиришди. Пленум бўлмай туриб, нега КПСС Марказий Комитетининг хати эълон қилинди? Кўп кишилар бу хатни бошқача фикрлайдиганлардан, КПСС Ҳаракат дастурини қўллаб-қувватламайдиган кишилардан халос бўлишга қилинган даъват деб тушундилар.

Ёки бошқа бир масала. Бир қанча вилоят, шаҳар ва район раҳбарларига ишончсизлик билдирилганининг сабабларини ўзимизга ҳам, одамларга ҳам ҳамон тушунтириб бера олмаяпмиз. Хўш, бу нима ўзи — стихияли жараёнларми? Нега Сиёсий бюро ва КПСС Марказий Комитети бу хусусда ҳеч нарса демаяпти? Одамлар унчалик тўғри бўлмаса ҳам, бирон-бир фикрга келиб қолганларидан кейин, бошқа бир сабабни уларга тушунтириш жуда қийин бўлади.

Шу муносабат билан КПСС XXVIII съездининг ўзбекистонлик делегатларига шундай хоҳиш-талабни изҳор этмоқчимиз: съездда КПССнинг парчаланишига йўл қўймаслик учун имкони бўлган ҳамма ишни қилинглар, чунки бундай парчаланиш партия учун ҳам, жамият учун ҳам ҳалокатли бўлур эди.

Кейинги кунларда кўпгина соф партиявий муаммолар ҳукумат таклиф этган бозор иқтисодиётига ўтиш дастури туфайли иккинчи ўринга сурилиб қолди. Бу масала ҳозир ҳамма нарсадан ҳам кўпроқ одамларнинг фикри-зикрини ўзига тортмоқда. Хўш, бозор иқтисодиётининг ўзи нима? У оиланинг бюджетига қандай таъсир қилади? Буларнинг ҳаммаси пухта ўйланганми? Одамлар нон нархининг таклиф этилганидек оширилиши уларга қанчага тушишини ҳозирнинг ўзида ҳисоблаб чиқмоқдалар ва давлат ёрдам бермаса, бу нарса ўз оилаларига қулфат келтиришини тушуниб турибдилар.

Ҳозир энг муҳими — ваҳимага тушиш кайфиятига йўл қўймасдан бу масалани чуқур ўрганишдан, муҳофаза чораларини ишлаб чиқишдан иборат. Мамлакат учун, ҳар бир киши учун мураккаб бўлган шу даврда партиянинг ва ҳар бир партия ташкилотининг ҳаракатлари ва сиёсатини имкони борича тезроқ белгилаб олиш лозим. Бундай қилиш муҳимлигининг сабаби шуки, Конституциянинг 6-моддаси ўзгарганига қарамай, КПСС барибир жамиятимизда рўй бераётган ишлар учун ҳали ҳам масъул бўлиб келмоқда. Башарти ана шу мураккаб даврда партия бир чеккада турса, одамлар бунинг сабабини тушунмайдилар, биз, коммунистларни кечирмайдилар. Шу сабабли мен ҳукуматнинг бозор муносабатларини жорий қилиш тўғрисидаги қарорига жумҳурият партия ташкилотининг муносабати тўғрисида съезднинг алоҳида резолюциясини қабул қилишни таклиф этаман.

Заводимиз коммунистлари матбуот саҳифаларида партияни асоссиз ёппасига қоралашни бас қилиш пайти келганлигини съездга айтиб қўйишни илтимос қилдилар. Бундай қоралаш партияга астойдил ишониб келган ва ишонаётган кишиларни хафа қилмоқда. Бу кишилар партиянинг қарорларини бажариш учун ўзларига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилмоқдалар.

Сўзимнинг охирида Самарқанд партия ташкилотимиз коммунистларининг позициясини съездга маълум қилмоқчиман. Биз ягона ва кучли КПСС тарафдоримиз, мамлакатимиз тараққиётининг социалистик йўли тарафдоримиз, Совет Социалистик Республикаларининг ягона Иттифоқи тарафдоримиз, демократия ва партияни демократиялаш тарафдоримиз, мустаҳкам онгли интизом тарафдоримиз, ҳақиқий ҳокимиятни амалда халқ депутатлари Советларига топшириш тарафдоримиз.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи котиби

А. И. ФОЗИЛБЕКОВ нутқидан

Тошкент шаҳар партия ташкилотининг делегацияси съездга энг муҳим масалалар хусусида қатъий фикр-мулоҳазалар билан келди. Бу фикр-мулоҳазалар жумҳурият пойтахти коммунистларининг КПСС Марказий Комитетининг съездолди Ҳаракат дастури ва партия Устави лойиҳаларини муҳокама қилиши натижасида ишлаб чиқилди. Муҳокаманинг бош якуни эскирган муносабатлардан, ақидапарастликдан қатъиян воз кечиш, сезиларли амалий натижаларга эришиш тўғрисидаги талаблардан иборат.

Ўзбекистон давлатчилигини мустаҳкамлаш, унинг ҳақиқий суверенитетини таъминлаш Ўзбекистон Компартиясининг фаолиятидаги энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолиши керак, деб ҳисоблаймиз. Тошкент коммунистларининг позицияси шаҳар партия конференциясида аниқ ифодаланди: биз республиканинг сиёсий суверенитети, унинг янгиланган федерация таркибидаги иқтисодий мустақиллиги тарафдоримиз.

Жумҳурият суверенитетини мустаҳкамлаш масаласига оид принципиал позициялар, ҳақиқий тенг ҳуқуқлилик асосида федерацияни шакллантиришга янгича ёшдашувлар Ўзбекистон Компартияси олдига ўз фаолият дастурини ишлаб чиқиш вазифасини қўймоқда. Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастурининг партия барча бўғинлари мустақиллигини ошириш тўғрисидаги қоидасини қўллаб-қувватламоқ керак. Бу эса, пировард натижада, республика партия ташкилотининг мақомини, унинг ҳуқуқлари, ваколатлари, мақсадларини равшан белгилашни ва ишлаб чиқишни талаб қилади. КПССнинг ажралмас ва айни вақтда мустақил қисми бўлмиш Ўзбекистон Компартияси умуман партиянинг ҳаёт фаолияти барча принципиал масалаларини ҳал этишда беқиёс катта ҳуқуқларга эга бўлиши, КПСС Марказий Комитети билан ўзаро муносабат шартларини қайтадан кўриб чиқиши керак.

Партиянинг раҳбар органларини тузиш қоидалари тубдан ўзгартирилган тақдирдагина бунга эришиш мумкин бўлади, деб ўйлайман. Бу органлар жумҳуриятлар партия ташкилотларининг мақомини эътиборга олиб тузилиши керак.

Яшаш учун жумҳурият ташқарисига жўнаб кетган бир қанча коммунистлар ҳозир ҳам КПСС Марказий Комитетининг сайлаб қўйилган органлари таркибида Ўзбекистондан сайланган кишилардек туришибди. Бу — мутлақо нотўғри. Юқори партия органи таркибидаги вакилни чақириб олиш ҳуқуқи таъсирчан восита бўлиши керак. Чамаси, сайлаб қўйилган органлар аъзоларининг уларга бевосита ишонч билдирганлар ҳузурида ҳисобот бериб туришлари масаласи Уставда аниқроқ белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ҳозир шундай аҳвол вужудга келдики, КПСС Марказий Комитетининг қарийб икки минг кишилик аппаратида Ўзбекистон вакилларини бир қўлнинг бармоқлари билан санаш мумкин. Марказий министрликлар ва идоралар аппаратларининг ходимлари орасида ўзбекистонликларни мутлақо учратмайсиз. Бу ёндашувни тенг ҳуқуқли деб аташ амри маҳол. КПСС Марказий Комитети аппаратини, жумладан унинг Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон бўлимини олиб кўрайлик. Ҳозир ишлаб турган кишиларга ҳеч қандай даъвойим йўқ. Бироқ кечаги кунни оз бўлсада эсга олайлик. Бўлим кадрлар сиёсати билан зўр бериб шуғулланиб, кадрлар корпусини гўё «мустаҳкамлаш» мақсадида марказий региондан партия, совет, хўжалик ходимлари жумҳуриятга юбориб турди.

Бу соҳадаги оғишлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аянчли ном чиқарган XVI пленумидан ва жумҳурият Компартиясининг XXI съездидан кейин кадрлар билан ишлашга айниқса асоратли таъсир ўтказди.

Гдлян, Иванов, Дидоренко, Гайдановларнинг жиноий суиистеъмоллари қақида ҳозир кўп гапирилмоқда. Бироқ уларнинг фаолиятиниқ кимлар рағбатлантириб ва йўналтириб турган эди. Нега уларнинг ёнида Могильниченко, Бессарабов, Пономарев, Нестеренколарнинг номларини ҳеч ким тилга олмаяпти? Ўзбекистон партия ташкилотидаги кадрларни ёппасига ерга уриш юзасидан ўзлари ўйлаб чиқарган «КПСС Марказий Комитетининг йўли»ни айни мана шу кимсалар ўтказган эдиларку. Шафқатсизларча «поклаш машинаси»ни айни шулар ишга солган эдиларку... Бизнинг бурчимиз — ўша даврда асоссиз жазоларга учраган, ишдан олинган, партиядан ўчирилган партиядош барча ўртоқларимизга нисбатан адолатни тиклашдан иборат.

Секторнинг талаби билан СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг депутатлари ўз ваколатларини соқит қилишлари тўғрисидаги хабарлар ёғилиб турган даврни ҳаммамиз эслаймиз.

Номуносиб кишилар фахрли ваколатлардан маҳрум қилиниши тўғри, албатта. Бироқ шундай савол туғилади: КПСС Марказий Комитетининг сектори ва бўлими жумҳурият билан, ўз сайловчилари билан ҳар қандай алоқани бутунлай узган кишиларни халқ депутатлари таркибидан чақириб олиш ҳақида нега ташаббус кўрсатмаяпти?

Анишчев, Огарок ва бошқа баъзи депутатлар жумҳуриятдан жўнаб кетганларидан кейин бу ерга бирон марта келиб ҳисоб берганлари йўқ. Хўш, улар ҳозир кимнинг вакили бўлиб турибдилар? Анишчев ўзи туғилиб ўсган ва тарбия кўрган Воронеж областидан РСФСР депутатлари таркибига сайланмади, айни вақтда Ўзбекистон ССРдан халқ депутати бўлиб қолишни виждоний бир иш деб биляпти ёки жумҳуриятимиз халқ хўжалигини бошқариш янги бош схемаси машъум лойиҳасини, аниқроғи хаёлий режасини тузган Огарок-чи? У ҳозир ССР Иттифоқи давлат план комитети раисининг ўринбосаридир. У бозор иқтисодиётига ўтиш лойиҳасининг муаллифларидан бири бўлиб чиқса, ажаб эмас. Уларни Ўзбекистондан сайланган халқ депутатлари орасидан дарҳол чақириб олиш зарур, деб ҳисоблайман.

КПСС Марказий Комитетининг раҳбарияти, Сиёсий бюро бизнинг жумҳурият партия ташкилотидан ажралиб қолганлиги оқибатидагина шундай бўлди, деб ҳисоблайман. Ташқи сиёсат муаммолари юзасидан мажбурий тўхтаб ўтишни ҳисобга олмаганда, беш йил мобайнида КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби жумҳуриятга бир марта ҳам келмади, КПСС Марказий Комитетининг котибларидан, Сиёсий бюро аъзоларидан бирон киши ҳам Ўзбекистонда бўлгани йўқ. Лигачев, Никонов ўртоқларнинг регионга партиявий иш билан келганликларини жумҳуриятга атайлаб қилинган сафар, деб бўладими? Бу сафарларнинг мақсади марказ учун сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлашдан иборат бўлганини ҳамма билади.

Кадрлар сиёсатининг долзарб муаммоларини кўриб чиққан КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленумидан кейин орадан етарлича вақт ўтди. Хўш, тузукроқ амалий ўзгаришлар рўй бердими? Вилоят, жумҳурият миқёсидаги кадрлар суҳбатдан ўтиш ва розилик олиш учун ҳамон Москвага бормоқдалар.

Юқори мартабали давлат ва партия раҳбарларини ўзлари ҳеч қачон ишламаган жойлардан ва ташкилотлардан делегатлар ва депутатлар қилиб кўрсатиш одати давом этаётганини ҳам тушуниб бўлмайди. Мисол учун КПСС Марказий Комитети давлат-ҳуқуқий бўлимининг мудири ўртоқ Павловни олайлик. Бир йилдан кўпроқ вақт муқаддам у Ўзбекистондан СССР халқ депутати этиб сайланган эди. Шундан кейин уни жумҳуриятда яқиндагина Тошкент область партия конференциясида ва яна сайланиш — энди КПСС XXVIII съездига делегат бўлиб сайланиш учун келган пайтида кўриб қолишди.

Ҳозир жумҳурият партия ташкилотининг мақомини ишлаб чиқиш муносабати билан, чамаси, кадрлар билан ишлаш бутун системасини тубдан қайта кўриб чиқиш амалий зарурат бўлиб қолди.

Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий вазиятни соғломлаштириш ҳақида гапирганда, маҳаллий Советларнинг амалдаги тўла ҳокимиятини қарор топтириш, территориянинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида уларнинг мавқеини анча ошириш муаммоларини четлаб ўтиб бўлмайди.

Назаримда, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, миллий ва бошқа соҳаларда бундан буён қилинадиган ишларнинг амалий дастурини ишлаб чиқиш учун айни ҳозирги пайтда ҳам ижобий, ҳам салбий тажрибамиз етарлидир.

Биз суверен социалистик Ўзбекистон тарафдоримиз, янгиланган КПСС доирасида, жумҳурият Компартиясининг мустақиллигини кенгайтириш, ички партиявий демократияни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тарафдоримиз. Бизнинг ғоявий дастуримиз марксизм-ленинизм таълимотини ривожлантиришни ижодий идрок этишга асосланади. Бинобарин, биз партия ғоявий-назарий ишининг асосий йўналишларини, аниқ вазифаларимизни равшан белгилаб олишимиз керак, чунки мақсадни аниқ билишгина унга эришишнинг самарали воситасини ишлаб чиқиш имконини беради.

«Қаршистрой» қурилиш бирлашмасининг 1-кўчма механизациялашган колоннаси электр монтажчилари бригадасининг бошлиғи

Р. РЎЗИЕВ нутқидан

«Қаршистрой» бирлашмасининг кўп минг кишилик байналмилал коллективи, барча меҳнаткашлари мамлакатимизни ҳозирги оғир аҳволдан янгиланган социализмга олиб чиқадиган ягона куч — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ҳамда унинг ажралмас қисми бўлган Ўзбекистон Компартияси эканлигига тўла ишонади.

Ҳеч қандай куч коммунистларни, партиясизларни ҳам ўз эътиқодидан қайтара олмайди. Жумҳуриятимиз партия ташкилоти қайта қуришнинг янги марраларини эгаллаётганини халқимиз ва коммунистлар кўриб турибдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, жумҳуриятимиз ҳукумати ташаббуси билан ижтимоий-иқтисодий аҳволни ҳамда ахлоқий-психологик муҳитни соғломлаштириш юзасидан бир талай тадбирлар амалга оширилди. Бу жумҳуриятимиз тақдири ишончли қўлларда эканлигидан дарак бериб турибди.

Мен кундалик ҳаётимиздан битта мисол келтирмоқчиман: яқинда бирлашмамизда Ғалабанинг 45 йиллигига бағишланган учрашувда Улуғ Ватан уруши қатнашчиларидан 250 киши иштирок этди. Жумҳуриятимиз Президентининг Фармонига мувофиқ «Қаршистрой» маъмурияти, партия ва касаба уюшмаси комитетлари 50 нафар ветерангa қиммати 1 миллион сўмдан зиёд бўлган уй-жойни фойдаланиш учун шахсий мулк қилиб текинга бердилар. Шунингдек, ишламаётган уруш қатнашчиларининг нафақаларига ҳар ойда 30 сўмдан қўшиладиган бўлди. Бу маблағ бир йилда қарийб 100 минг сўмни ташкил этади. Болалар ва ёшлар тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилинмоқда. «Қаршистрой» бирлашмасининг маъмурияти ва партия комитети ҳозирги мураккаб даврда меҳнат коллективлари ўртасида ишонч ва осойишталикни таъминлашни ўзларининг асосий вазифалари деб ҳисоблайдилар. Ҳозир ишни шундай ташкил этиш керакки, бирор кишининг ҳам эътирози эътиборсиз қолмасин.

Қарорлар қабул қилишда, кадрларни тайёрлаш ва жой-жойига қўйишда, уларни сайлаб қўйиладиган органларга тавсия этишда коммунистларнинг фикр ва мулоҳазалари ҳисобга олинаётир.

Қурилиш партия ташкилотининг фаолияти яхши тайёргарлик кўрган ҳамда ғоявий чиниққан қурувчилар туфайли фаоллашиб, КПСС сафлари кенгаймоқда. Бироқ, партия сафига раҳна солишга, ҳар хил миш-мишлар билан унинг номига доғ туширишга ҳаракат қилаётган кучлар борлигини ҳам унутмаслигимиз керак.

Бутун жумҳуриятимизда бўлгани каби ёшларни тарбиялаш, уларни иш билан таъминлаш бизда ҳам ўткир муаммо бўлиб турибди. Ўрта мактабларни, ҳунар-техника билим юртларини битирган, Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтаётган кўплаб ёшлар ишга жойлаша олмай, саргон бўлиб юрибдилар. Шунинг учун қўшимча иш жойлари ташкил этишимиз, ҳар бир йигит-қизни иш билан таъминлаш чораларини кўришимиз лозим. Ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида маҳаллий кадрлар етиштиришга алоҳида эътибор бериш учун жумҳуриятимизда махсус программа тузилишини зарур деб ҳисоблайман.

Коллективимизда коммунистлар ва партиясизлар билан бошқариладиган бозор муносабатларига ўтиш дастурини муҳокама қилиб, бу тадбир зарур деган қарорга келдик. Айни пайтда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг мустаҳкам кафолатларини ишлаб чиқмай, бозор иқтисодиётига жадал ўтиш мақбул эмас, деб ўйлайман. Бу масалани умумхалқ муҳокамасига қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Яна бир фикрни ўртага қўймоқчиман. Биз иқтисодиётни қайта қуриш бўйича жумҳурият программасини ишлаб чиқишимиз керак. Шу нарса аёнки, жумҳуриятимиз қанчалик кучли ва мустаҳкам бўлса, марказ ҳам. Совет Иттифоқи ҳам шунчалик бақувват бўлади.

Бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки даврида қандай маҳсулотлар нархини ошириш, қайсиларини оширмасликни жумҳуриятларнинг ўз ихтиёрида қолдириш лозим. Бу эса жойлардаги партия ва совет органлари фаолиятини активлаштириш имконини беради.

Шуни рўй-рост тан олиш керакки, кейинги вақтларда бизда тартиб ва интизом ниҳоятда бўшашиб кетди. Мен ишчи синфи номидан бунга чек қўйиш керак, деб ҳисоблайман. Ишлаб чиқаришда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш масъулиятини ҳар биримиз ўз зиммамизга олайлик.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитетининг котиби

Ш. Н. МАҲМУДОВА нутқидан

Марказий Комитетнинг сиёсий доклади, делегатларнинг нутқлари коммунистларнинг хилма-хил қарашларини, уларнинг Ўзбекистон Компартияси фаолияти тўғрисидаги, қайта қуришнинг ўткир ва қалтис пайтида уни янгилаш дастури тўғрисидаги фикрларини акс эттиради.

Шу билан бирга съездимизда муҳокама қилинаётган ҳисобот даврини Тошкент областининг коммунистлари турлича баҳоламоқдалар. Қайта қуриш йилларида республика турмушидаги кўпгина салбий ҳодисалар тугатилганлиги шубҳасиз. Шунга қарамай Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI Пленумидан кейинги даврни халқимиз Ўзбекистон Компартияси ва бутун республика тарихидаги энг таҳликали давр сифатида узоқ вақт эслаб юради. Порахўрлар, талон-торож қилувчилар, пулга сотилган унсурлар билан бир қаторда ҳеч бир гуноҳи бўлмаган кўпгина кишилар, ҳалол раҳбарлар ҳам азият чекдилар.

Ҳар бир мана шундай факт ортида инсонларнинг тақдири, шахсий ва оилавий фожиалар турибди. Ўша йиллардаги ноҳақ хатти-ҳаракатларга энди муносиб баҳо берилмоқда. Бироқ бу гап маҳаллий кадрларнинг фаолиятига тааллуқли бўляпти. Аммо ўша вақтда жумҳуриятнинг жиловини қўлда ушлаб турган марказ вакилларига эса лом-мим дейилмади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг раҳбарияти ҳам Марказий Комитет бўлимлари ва уларга раҳбарлик қилган кишиларнинг ўша йиллардаги фаолиятига принципиал баҳо беришга унчалик интилмаяпти.

Партия комитетларининг халқ энг оддий эҳтиёжларидан ажралиб қолганлиги, чуқур ва пухта ўйланган яхлит ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг йўқлиги кўп жиҳатдан шунга ёрдам бермоқдаки, бизнинг кўпчилигимиз учун Фарғона фожиаси, Бўка ва Паркентдаги воқеалар кутилмаган воқеа бўлди. Ҳозир бу аниқ-равшан бўлиб турибди. Чуқур ижтимоий-маиший илдиз отган бу воқеалар сиртдан миллатлараро можародек туюлади. Бироқ бунинг томирлари ҳамиша аксарият аҳолининг турмуш даражаси пастлигига, ишсизликка, одамларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояланмаслигига доимо бориб тақалаверар эди.

Шу билан бирга Бўка ва Паркентдаги воқеалар, партия, совет, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг фавқулодда шароитларда аниқ ҳаракат қила олмасликларини, воқеаларга тўғри баҳо бера олмасликларини кўрсатди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларидан муайян бир қисмининг пинҳона экономика корчалонлари, чайқовчилар билан қўшилиб кетганлигини кўрсатувчи бевосита далиллар ҳам аниқланмоқда. Бу нарса вилоят партия комитетининг кадрлар билан ишлашидаги жиддий камчиликларнинг оқибати ҳам эканлигини тан олмоқ керак. Бир ярим йил мобайнида вилоятдаги шаҳар, район партия комитетлари котибларининг ярмиси алмаштирилди, шу галги ҳисобот-сайлов маъракасидагина қарийб учдан бир қисми ўзгартирилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, жумҳурият ҳукумати кейинги вақтларда иқтисодиётни соғломлаштириш, жамиятдаги ижтимоий кескинликни юмшатиш, миллатлараро заминдаги можароларнинг олдини олиш юзасидан кўраётган чора-тадбирларни вилоят партия ташкилотининг коммунистлари тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқдалар.

Миллатлараро муносабатлар муаммоларини ҳал этишда ва миллий-маданий марказларни барпо қилишда иккинчи томонга оғиб кетиб, миллатлараро муносабатлар нормаллашганлиги ҳақида гапириб бўлмайди.

Омма орасидаги мафкуравий ва сиёсий иш ҳозир биринчи ўринга чиқиб қолмоқда. Афсуски, шу пайтга қадар қайта қуриш мафкурасининг аниқ дастури йўқ. Ҳозирги куннинг ҳатто йўл-йўриқлари ҳам белгилаб берилмаган. Ўтмишда ҳамма ҳужжатларимизда доимо қайта-қайта такрорланиб келган мафкура турмушдан ажралиб қолганлиги маълум, шу сабабли энди одамлар унга огоҳ бўлиб қарайдилар. Аммо ҳали тарихда ўз мафкурасига эга бўлмаган ижтимоий-иқтисодий формация бўлган эмас. Идеологиянинг ўзига энг муносиб ўрнини таъминлаб бериш, одамларда социализмга бўлган ишончни тиклаш ҳозирги энг зарур ишдир.

Марказий Комитетнинг сиёсий маърузасида вилоят партия комитетларининг ўз муаммоларини ҳал этишида кенг мустақиллик беришга тайёрлик ваъда қилинган. Шунга қарамай, бизга Марказий Комитетдан юборилган қарорларда вилоят партия комитети аппаратининг тузилиши ва ходимларининг сони белгилаб берилган. Менинг назаримда эса вилоят комитетининг структураси унинг янги вазифаларини эътиборга олиб, қандай бўлишини биз ўзимиз белгилашимиз керак.

Шу муносабат билан Марказий Комитетнинг иш услуби ҳақида гапирмоқчиман. Замон руҳига, янги вазифаларга мувофиқ иш услуби ҳам ўзгармоқда, қоғозлар камайди, халқчиллик кўпайди. Бироқ ҳали туб қайта қуриш бўлгани йўқ. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий, мафкуравий иш соҳасидаги бой тажрибадан тўла-тўкис фойдаланмаяпти, у ўзи ҳам ўқимай қўйди, шаҳар, район партия комитетларининг, бошланғич партия ташкилотларининг котибларини ўқитишни тўхтатиб қўйди, кўпдан-кўп кундалик муаммолар хусусида улар билан маслаҳатлашмаяпти. Эҳтимол, шунинг учун бўлса керак, Марказий Комитетда ҳам, айниқса район, шаҳар партия комитетларида ҳам мафкуравий ишнинг яхлит дастури шу пайтгача йўқ. Биз воқеалардан орқада қолаётганимизнинг сабабини ҳам шу билан изоҳласа бўлади. Республикада эса жуда катта илмий имкониятлар бор. Афсуски, жамиятшуносларимизнинг шу пайтга қадар қатъий позицияси, рўй бераётган жараён хусусидаги ўз фикри йўқ. Улар ана шу жараёнларга муносиб баҳо бермаяптилар, кун сайин тобора кўпайиб бораётган муаммоларни ҳал этишга ўз ёндашувларини, ўз концепцияларини таклиф қилмаяптилар. Бироқ ахлоқодоб, илмий дунёқараш ва маънавий тарбиянинг мунтазам системаси бўлмаса, қайта қуришни амалга ошириб бўлмайди. Қайта қуришнинг инқирози кўп жиҳатдан мафкураси йўқлиги сабабли келиб чиқди. Биз шу масалаларни ҳал қилмас эканмиз, ишимиз юришмайди. Одамларнинг талаб-эҳтиёжларини ўрганиш, уларнинг қизиқишларини билиш, замон билан ҳамнафас бўлиш керак. Қисқаси партиявий ишда леннинча анъаналарни қайта тиклаш керак.

Сўзимнинг охирида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳисобот давридаги ишини қониқарли деб топиш тўғрисида делегатлар айтган таклифни қўллаб-қувватлайман.

(Давоми тўртинчи бетда).

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг партия XXII съездига Сиёсий маърузаси ва Ўзбекистон Компартияси Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи юзасидан музокаралар

(Давоми. Боши иккинчи ва учинчи бетларда).

Фарғона чарм заводининг бригада бошлиғи, байналмилалчи жангчи

Б. Т. НУРМАТОВ нутқидан

Сиёсий маърузада ҳамда сўзга чиққан бошқа делегатларнинг нутқларида жуда яхши гаплар айтилди, амалий таклифлар ўртага қўйилди. Мен бу фикрларга қўшиламан. Шуни айтиш керакки, халқимиз турмуш шароитини ошириш борасида анчагина амалий ишлар қилинди. Мактаб ўқувчиларини бепул нонушта билан таъминлаш, нафақаларнинг оширилиши, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари учун берилган имтиёзлар ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бу тадбирлар халқ томонидан мамнунлик билан кутиб олинди, халқнинг партияга ва давлатга бўлган ишончини оширди.

Сўзга чиққан делегатлар жумҳуриятимиз олдида турган муҳим вазифалар ҳақида гапиришди ва ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Иқтисодиёт ва таъминот ҳақида, партия обрўсини кўтариш тўғрисида сўз борди. Мен ўз нутқимда миллатлараро муносабатлар ҳақида гапирмоқчиман. Миллатлараро муносабатлар масаласи, менимча, бутун мамлакатда энг жиддий масала бўлиб турибди. Тинч шароитда турмуш кечириш ва меҳнат қилишга ҳалақит бераётган кишилар пайдо бўлмоқда. Хўш, нима бўлаяпти ўзи? Нимагадир кейинги пайтларда бир-биримизга бошқача кўз билан қарайдиган бўлиб қолдик. Ўтган йили Фарғонада бўлиб ўтган воқеалар ҳаммамизга маълум. Бу айниқса Қўқон аҳолисида ноҳуш хотира қолдирди. Одамлар қурбон бўлди, жуда катта моддий ва маънавий зарар кўрилди. Моддий зарарку қопланади, лекин ҳаётдан кетганларни қайтариб бўлмайди. Ана шу воқеалар кўланкаси ҳалигача кўтарилгани йўқ. Аввало, мана шу бўлиб ўтган воқеаларга шу кунга қадар тегишли баҳо берилмади. Марказий матбуот бир қанча асоссиз материаллар билан вазиятни янада чалкаштириб юборганини айтиб ўтиш керак. Ҳақиқий айбдорлар аниқланиб, жазога тортилмаяпти, ана шу воқеалар турлича шарҳланаётгани туфайли турли миш-мишлар кўпаймоқда. Бу воқеаларда прокуратура ва ҳуқуқ-тартибот идоралари сусткашлик қилмоқдалар. Улар ҳақиқий айбдорларни топишда етарли фаоллик кўрсатишмаяпти. Баъзи воқеаларга нотўғри баҳо берилиши маҳаллий аҳолининг норозилигини келтириб чиқармоқда.

Бизнинг шаҳримизда 40 га яқин миллат вакиллари яшайди. Бизнинг Қўқон ишлаб чиқариш бирлашмамизда 20 га яқин миллат вакиллари ишлашади, ҳаммамиз қадрдон бўлиб кетганмиз, улар билан талашадиган масаламиз йўқ. Ҳаммамиз пешона тери билан ишлаб, тирикчилик учун меҳнат қиламиз. Лекин миш-мишлар вазиятни чигаллаштириб юборяпти.

Кейинги пайтда бошқа миллат вакиллари шаҳардан кўчиб кетмоқда. Баъзилар, улар кўчиб кетишса, ҳамма масалалар ечилади, деган фикрдалар. Лекин айни шу масалага бошқача кўз билан қарайдиган бўлсак, улар орасида сиз билан бизнинг қариндош-уруғларимиз, дўсту биродарларимиз ҳам бор-ку, ахир. Уларнинг кўпчилиги яхши ишчилар, инженерлар, шифокорлар, шофёрлар, ўқитувчилар ва бошқа мутахассислардан иборат. Кекса отамиз, онамиз ёки фарзандларимиз касал бўлиб қолса, бирор дардга йўлиқса, кечаси билан улар ёнида ўтириб, мадад берадиган шифокорлар оз эмас.

Ўзбек халқи азалдан байналмилал, пок, меҳнаткаш, меҳр-шафқатли халқдир. Бу барчага маълум, бунга тарих ҳам гувоҳ.

Ўйлайманки, жумҳуриятимизда ўзбек халқининг пок номига доғ туширувчиларга тегишли зарба берадиган, халқимизнинг шаънини, шуҳратини, бой анъаналарини ҳимоя қила оладиган соглом кучлар мавжуд. Мен бунга аминман.

Мен Афғонистонда хизмат қилдим. Кўп воқеаларнинг гувоҳи бўлганман. Биз ўзбекистонлик йигитлар ҳамма қатори оғир вазиятларда хизмат қилдик. Ҳамиша бир-биримизга ёрдам бериб келдик, ҳозир ҳам бир-биримиздан хабар олиб турамиз.

Лекин ҳеч биримиз бир-биримиздан, сен қайси миллатдансан, деб сўрамаймиз. Шундай экан, мана шу фурсатдан фойдаланиб, жумҳуриятимизда ижтимоий-сиёсий вазиятни яхшилашга қаратилган мурожаатнома қабул қилишингизни таклиф этаман.

РЕПОРТАЖ

ТАҚДИРИМИЗ ЎЗ ФАОЛИЯТИМИЗГА БОҒЛИҚ

● Жумҳурият коммунистларининг олий анжумани ўз ишини давом эттирмоқда. Менимча, Ўзбекистонда съезд ишига бефарқ одам бўлмаса керак. Шу боис, ҳозир ҳамманинг диққат-эътибори республика коммунистларининг вакиллари жамланган Тошкентдаги Санъат саройига қаратилган.

Мамлакатда ижтимоий-иқтисодий вазият кескинлашиб бормоқда. Савдо дўконларининг пештахталари бўм-бўш, бозорларда нарх-наво баланд, жиноятчилик, чайқовчилик кучаймоқда, давлат интизоми бўшашган, одамлар турли миш-мишлардан ташвишда, асаблар таранг. Буларнинг ҳаммасига ким айбдор? Вазиятни согломлаштириш учун, турмушни нормалаштириш учун қандай чоралар кўриш лозим?

Жумҳурият аҳли ана шу саволларга жавоб олиш ниятида съезд ишига умид билан кўз тиккан. Баъзилар бу анжуман ҳам аввалги съездларга ўхшаб, тирноқдек ютуқни туядек қилиб кўрсатиш, Иттифоқ ҳукуматининг «беқиёс» оталарча ғамхўрлиги»га ҳамду-саноолар ўқишдан иборат ҳайбаракаллачилик руҳида ўтади, деб башорат қилишмоқда эди. Йўқ, ундай бўлмади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XXII съездга Сиёсий доклади «Қайта қуришнинг бориши ва асосий йўналишлари, Ўзбекистон ССР суверенитетини ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш вазифалари, мамлакат ва республиканинг янги сиёсий системасида Ўзбекистон Компартиясининг ўрни ва мавқеи тўғрисида» деб номланишининг ўзи съезд руҳини белгилаб берди.

Маърузачи жумҳурият Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А, Каримов республиканинг ҳозирги ижтимоий-сиёсий аҳволига ҳалол ва холис баҳо берди. У барчани ўйлантираётган ва ташвишга солаётган ижтимоий-иқтисодий ва экология муаммоларининг келиб чиқиши, уларни бартараф этиш йўллари ҳақида масъуллик туйғуси билан сўзлади. Айрим партия ташкилотлари эскича, яроқсиз иш услубларидан воз кеча олмаётганликларини, партия ташкилотлари фаолиятини қайта қуриш бутун ижтимоий жараёндан орқада қолаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Жумҳурият ҳаёти ва партия ташкилоти фаолияти аниқ мисоллар, факт ва рақамлар асосида чуқур таҳлил қилинган бу маъруза кўпчиликнинг дилида тўпланиб қолган муаммолар, талаб ва истакларга уйғунлашиб кетганлиги музокара бошланганда аён бўлди. Маъруза юзасидан фикр алмашувлар танаффус пайтларида ҳам давом этарди.

— Маърузада, — дейди съезд делегати, Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон районидаги «Қумқўрғон» совхози бригада бошлиғи Бойқобул Оллаёров,— марказий матбуот органларининг «ўзбек иши», «пахта иши» дея бутун ўзбек халқини таҳқирлашлари қоралангани мени ва менга ўхшаш умри далада ўтаётган деҳқонларнинг анча руҳини кўтарди. Ахир бир тўда ўғрилар, қаллобларни халққа, ҳалол меҳнаткашларга нима алоқаси бор? Бу «холвани ҳоким ер, калтакни етим», деган мақолни эслатади.

Делегатлар маърузадаги иқтисодий мустақилликка эришиш борасида айтилган мулоҳазаларни айниқса қизғин муҳокама қилишмоқда. Бу табиий. Чунки иқтисодий мустақиликка эришмай туриб, СССР Конституциясида белгиланган тенг ҳуқуқли суверен республика бўлиш ҳақида орзу қилиш ҳам мумкин эмас. Жумҳурият мамлакатнинг хом ашё базаси эмас, балки ўзининг маҳсулотни товар ҳолигача қайта ишлаш корхоналарига эга бўлган қудратли индустрияси бўлган тақдирдагина халқ турмуши яхшиланади, ижтимоий адолат тикланади.

— Ўзимизда энг юқори сифатли олтин қазиб олинади, — дейди А. Икромов район партия комитети биринчи котиби Қудратилла Рафиқов. — Бироқ районимиздаги заргарлик заводига қайта ишлаш учун нодир металлар марказдан берилади. Берилганда ҳам сифати ва қиммати ўзимизда қазиб олинадиганидан пастини юборишади. У ҳам мунтазам эмас. Шу сабабли завод аҳли ишлаб чиқариш планларини бажара олмай сарсон. Ўзбекистон аҳли ўз ерига, унинг табиий бойликларига ўзи хўжайин бўлиши зарур. Шундагина биз иттифоқ составидаги тенг ҳуқуқли суверен давлат бўла оламиз.

— Иттифоқ ҳукуматининг Оролбўйи регионидаги аҳволни яхшилашга қаратилган қарорлари амалда бажарилмаяпти, — дейди съезд делегати ҚҚАССР Амударё район партия комитети биринчи котиби Баҳром Жуманиёзов. — Орол қаъридан кўтарилаётган туз тўфони ҳақиқий офатга айланди. Ўтган йили ўтказилган тиббий кўрик хулосасига қараганда, район аҳолисининг 70 фонзи касалманд экан. Бизга юқоридаги каби моддий асосга эга бўлмаган қарорлардан не фойда? Танаси бошқа дард билмас, деб шуни айтсалар керакда.

Съездга делегатларнинг ҳар бири ўз меҳнат коллективи, ҳамқишлоқлари, маҳалладошларининг таклифлари, ташвишлари, дарду-орзуларини олиб келишган. Марказий Комитетнинг Сиёсий докладини тинглашгач уларнинг кўпчилиги анча енгил тортишди. Зеро, вилоятлар, ҳудудлардаги иқтисодий аҳволни, турмуш тарзини, меҳнат шароитларини республика партия ва ҳукумати яхши билади. Бу муаммоларни ҳал этиш борасида кейинги бир йил ичида анча амалий ишлар қилинди. Уларни эслатиб ўтишга ҳожат йўқ. Республика раҳбарияти фаолиятининг асосий йўналиши бундан буён ҳам одамларга ғамхўрликдан иборат бўлиши маърузадан ҳам аён. Республика раҳбарияти ўз халқи манфаати йўлида ҳеч кимдан чўчимай, дадил ҳаракат қилишга ўрганмоқда. Унинг бундан буёнги фаолияти қандай бўлиши анжуман қатнашчиларининг хоҳиш-иродасига боғлиқ.

Съезд ўз ишини давом эттирмоқда.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Танаффус вақтида.

Суратқаш: В. МОЛГАЧЕВ.

СССР—АҚШ:

АМАЛИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ САМАРАЛИ ВОСИТАСИ УЧУН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Буяга мулкчилик ва хўжалик юритишнинг хилма-хил шакллари, мамлакат ичкарисида ва ташқарисида корхоналарнинг амалий ишлардаги мустақиллиги йўли асос қилиб олинган. Буларнинг ҳаммаси сизларни қизиқтирса керак. Аммо энг муҳими, сизларда шерикларни танлаш имконияти бор.

Биз ташқи иқтисодий сиёсат воситаларини янгилай бошладик. Халқаро стандартларга асосланган янги бож тарифи ва тарифсиз тартибга солиш чоралари системаси жорий этилмоқда. Тарифлар ва савдо тўғрисидаги бош битимда кузатувчилик мақомини мамнуният билан қабул қилдик. Бунга АҚШ тутган позиция туфайли муваффақ бўлинди. Тарифлар ва савдо тўғрисидаги бош битимга бизнинг яқинлашишимиз СССРнинг жаҳон хўжалигига қўшилиши жараёнини жадаллаштиради, деб умид қиламиз.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг янги шакллари ҳаётга криб келмоқда — икки йил ичидагина СССРда 1500 тадан кўпроқ қўшма корхона рўйхатга олинди. Шундан тахминан 150 тасида Америка корхоналари иштирок этмоқда.

Биздаги 22 та корхонани бирлаштирган совет ташқи иқтисодий консорциуми ҳамда Американинг «Шеврон», «Истмен кодак», «Арчер-Дэниелс-Мидлэнд», «Жонсон энд Жонсон», «Ар-Жей-ар Набиско» ва «Меркейтор корпорейшн» фирмаларини ўз ичига олган савдо консорциуми ўртасидаги ҳамкорлик лойиҳаси ҳозирги вақтда энг катта лойиҳадир. Бу лойиҳа СССРда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб озиқ-овқат моллари ишлаб чиқарадиган 20-25 та қўшма корхона, тиббиёт ва гигиена, энергетика, ҳисоблаш техникаси ва информатика соҳаларида қўшма корхоналар тузишни кўзда тутади.

1990 йил 2 июнь куни «Тенгис» нефть конидан фойдаланиш ва уни ишлатишга доир қўшма корхона тузиш тўғрисидаги битим имзоланди.

Америка-Совет тиббий консорциуми иши ҳам юришиб кетишига умид қиламиз. Америка фирмалари ва совет ташкилотлари тиббий дори-дармонлар, диагностика ва даволаш аппаратлари, гигиена ва профилактика воситалари ишлаб чиқарадиган олтита қўшма корхона тузиш тўғрисида музокара олиб бормоқдалар. АСТЭС катта иш олиб бормоқда.

Қўшма соҳибкорлик — ҳамкорлик шаклларидан бири холос. Ҳамкорликнинг тадбирларини шерикларнинг ўзлари танлайдилар. Масалан, СССРда эркин соҳибкорлик зоналари барпо этилиши муносабати билан янги истиқболлар очилади.

Ҳарбий муҳолифлик даражасининг камайиши, қуролсизланиш жараёни кун тартибига ҳарбий корхоналарнинг йўналишини ўзгартириш масаласини қўймоқда. Биз сизларни бўшаб қолган технология ва ишлаб чиқариш имкониятларини фуқаро эҳтиёжлари учун биргаликда ўзлаштиришга таклиф қиламиз.

Шу вақтга қадар сиёсий мулоқот Совет—Америка муносабатлари иқтисодий пойдеворини қуришдан орқада қолган эди. Биз Вашингтонда ана шу номутаносибликни тузатишга киришдик. Айтиш мумкинки, савдо битими ана шу пойдевор ўрнатиладиган заминдир. Бу битим амал қила бошлагач инвестициялар ва солиқ солишга доир кафолатлар тўғрисидаги масалани ҳал қилишга тўғри келади.

Умуман турли шарт-шароитлардан фойдаланишга дадил киришадиган пайт келди. Бизнинг алоқаларимиз кўп. Энди гап шартнома тузишда, лойиҳалар самара беришида қолмоқда.

Биз СССР табиат ресурсларидан фойдаланиш учун чет эл капиталини турли шаклларда, қўшма корхоналардан тортиб концессияларгача турли шаклларда жалб этиш йўлидан қатъий бориш ниятидамиз. Мустақиллиги кучайиб бораётган жумҳуриятларимиз бу ишга зўр қизиқиш билан қарамоқдалар.

Чамаси чет эллик шерикларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқаришнинг экология жиҳатдан софлигига доир қаттиқ талабларни бажаришни таъминлашлари ана шундай ҳамкорликнинг сўзсиз шарти бўлади.

Бизда телефон алоқасига талаб жуда катта ва у қаноатлантирилмаган, Биргаликдаги куч-ғайратлар фақат совет истеъмолчиларига эмас, чет элликларга, совет шериклари билан биргалашиб ишлаётган бизнес эгаларига ёрдам қилган бўлур эди. Бундай ҳамкорлик телеалоқалар жаҳон системасини такомиллаштиришга ҳам ёрдам берган бўлур эди.

Американинг «Ю. С. Уэст» компанияси бошчилигидаги халқаро консорциум иштирокида бутун Сибирь территориясидан тола-оптик алоқа линияси ўтказиш лойиҳасидан хабардор бўлсангиз керак. Бу линия ички фуқаро эҳтиёжларига хизмат қилишдан ташқари жаҳоншумул алоқа халқасини туташтириб Тинч океан регионни ва Европага юқори классли хизматни таъминлайди.

Вашингтонда имзоланган авиация алоқалари тўғрисидаги битим натижасида янги истиқболлар очилади.

Жаҳондаги энг катта темир йўл ташкилоти —СССР Темир йўл министрлиги билан АҚШнинг йирик темир йўл компанияси — «Бэрлингтон нозерн» алоқа ўрнатмоқдалар. БАМ ва унинг хўжалик зонасини ўзлаштириш катта имкониятлар очиб беради.

Совет автомобиль саноатини сифат жиҳатидан янгилаш чет эл компанияларининг фаол иштирок этишини кўзда тутади. Бунда Америка фирмалари учун ҳам жой топилади.

Совет Иттифоқини компьютерлаш соҳасида кўпгина лойиҳалар орасидан иккитасини ажратиб кўрсатмоқчиман:

— «Контрол дейта» билан ҳамкорлик қилиш атом энергетикаси самарадорлигини ва хавфсизлигини ошириш; ИБМ ва халқ таълими давлат комитети қўшма лойиҳаси мактабларимизни компьютерлашга ёрдам беради.

Энди авиация ва космос соҳасида. Яқинда «Женерал электрик» компанияси билан пассажир самолётлари учун моторлар харид қилиш ҳақида катта битим тузилди. Бу Америка фирмаси билан тузилган ана шу тусдаги дастлабки битимдир. АҚШнинг бир қанча компаниялари граждан самолётларининг янги туркумларини ясаш ва биргаликда ишлаб чиқаришга қизиқиб қарамоқдалар.

Америка тижорат йўлдошларини Совет учирувчи ракеталари билан ҳар икки томонга манфаатли равишда учириш мумкин бўлур эди. Биз томондан бунга тўсқинлик йўқ. Яқинда бу ҳақда вице-президент Куэйл билан гаплашдим, у космосни тинч мақсадларда ўзлаштириш йўлида ҳамкорлик қилиш ташаббусини кўтариб чиқди.

Тўғри, бундай ҳамкорликда юксак даражадаги технологиядан ҳарбий мақсадларда фойдаланиш мумкинлигидан хавотирланиш пайдо бўлади. Аммо шубҳа бор экан, келинглар, ана шундай фойдаланишни истисно этадиган «ишонч чоралари»ни муҳокама қилайлик. Ҳарбий соҳада мумкин бўлган нарсалар нима учун иқтисодий соҳада мумкин бўлмас экан?

Сизларни, Ўрта Ғарб одамларини қишлоқ хўжалигидаги алоқалар кўпроқ қизиқтиради. Донга оид янги Совет—Америка битими муҳим тадбирдир. Бироқ дон экспорт қиладиган Америка компаниялари нархлар, тўлов шартлари ва сифат жиҳатидан рақобатга бардошли бўлиши ҳам жуда муҳим.

Мана бир мисол. 1988 йилда Совет ҳукумати енгил ва озиқ-овқат саноатини янгилашнинг катта режаларини қабул қилди. Бироқ АҚШ компаниялари рақобат қобилияти туфайли, шунингдек бошқа мамлакатларнинг фирмаларидан фарқли равишда машина-ускуналар сотиб олиш учун кўп йиллик кредит беришга тайёр эмасликлари сабабли бу режаларни амалга оширишда қатнаша олмадилар.

Умуман шуни айтишим керакки, биз қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан ўзимизни ўзимиз таъминлаш сари бормоқдамиз. Шу сабабли агросаноат технологияси ва ишлаб чиқариши соҳасидаги алоқаларни кенгайтириш истиқболлироқдир.

Хуллас ўзаро манфаатли алоқаларнинг имкониятлари жуда катта.

Вашингтонда биз муҳим сиёсий ишни амалга оширдик, бу иш муносабатларимизнинг иқтисодий томонига қулай таъсир қилиши керак.

Вашингтондаги ҳамкасбларимизга ҳам айтдим, Москвадаги бизнес эгаларига ҳам айтдим: ҳозир ким биз билан бирга бўлса — ютқазмайди. Ким биздан юз ўгирса — кейин орқада қолиб кетади.

М. С. Горбачев нутқининг охирида тўпланганларга ўзаро манфаатли битимлар тилади ва АҚШ билан СССРнинг амалий алоқалари муваффақиятли бўлади, деб ишонч билдирди.

Сўнгра СССР Президенти билан АҚШнинг турли томонларидан келган Америка бизнеси вакиллари ўртасида бемалол суҳбат бошланди. Уларнинг кўплари Москвага амалий сафарлари вақтида М. С. Горбачев билан учрашиб, суҳбатлашиш, Совет—Америка ҳамкорлигининг у ёки бу муаммоларини муҳокама қилиш имкониятига эга бўлганлар. Лекин Совет раҳбарининг АҚШ савдо-саноатининг хилма-хил доиралари вакиллари билан учрашув каби ноёб имконият ҳеч қачон бўлмаган эди. Шу сабабли суҳбатда иқтисодий алоқаларнинг кенг доирадаги масалалари тилга олиниб-гина қолмай, шу билан бирга бу суҳбат СССР билан Америка ўртасида мустаҳкам амалий алоқалар кўпригини қуриш йўлидаги муҳим қийинчиликларни ҳам очиб берди.

Суҳбатнинг деярли барча қатнашчилари савдо битими тузилганлигидан мамнуният изҳор қилганликлари ана шу мулоқотнинг муҳим жиҳатларидан бири бўлди. Омилкор кишилар шоирлардан шуниси билан фарқ қиладиларки, улар ортиқча гап қилиб ўтирмай ишга дарҳол киришиб кетадилар, яъни таклифларга гап билан эмас, аниқ ишлар билан жавоб қайтарадилар. Масалан, суҳбатнинг кўпгина қатнашчилари шу ерда, Минне аполисда савдо битими тузилганидан кейин икки кун ўтгач аниқ-равшан лойиҳаларни ўртага қўйдилар. Масалан, АҚШнинг собиқ қишлоқ хўжалик министри Жон Блок қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳасида савдода энг қулай имконият режими берилиши керак деган фикрни айтди. АҚШ қишлоқ хўжалигининг собиқ беш министри СССРга энг қулай имконият яратиб беришни қўллаб-қувватлаб бу даъватга имзо чекдилар.

Америкадаги бир қанча катта корпорацияларнинг вакиллари СССР Президентини қўшма корхоналар ташкил этишда эришилган натижалар тўғрисида хабардор қилдилар. Тиббий консорциум президенти Денис Сокол табобат техникаси ва ускуналари тайёрлаш юзасидан учта қўшма корхона барпо этиш тўғрисидаги сўнгги битим ҳақида гапириб берди. У тиббий йўналишни аграр соҳа каби устун йўналиш деб ҳисоблайди ва шу муносабат билан СССР Президентига мурожаат қилиб, янги совет ташқи иқтисодий режаларини тузиш чоғида, шунингдек Аризона штатининг Финикс шаҳрида декабрь ойида бўладиган халқаро иш бошқарувчилар биринчи Америка мактаби қатнашчиларини танлаш чоғида худди шуни ҳисобга олишни илтимос қилди. Бу Совет ва Америка бизнес эгаларининг юқори даражадаги биринчи учрашуви бўлади. М. С. Горбачев ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлади.

Нью-Йорклик бизнес эгаси Саймон Чилевич нутқида шу каби жуда кўп аниқ таклифлар ўзига хос равишда умумлаштирилди. Унинг фикри қуйидагича: қарорлар қабул қилиш юзасидан махсус ҳуқуққа эга бўлган кичикроқ комитетни тезлик билан ташкил этиш зарур.

М. С. Горбачев бизнес эгасини қўллаб-қувватлаб, бизнинг мамлакатимизда СССР билан АҚШ ўртасидаги ташқи иқтисодий алоқаларни бошқаришнинг мустаҳкам воситаларини яратиш ғояси фақат муҳокама қилинибгина қолмай, Совет—Америка комиссияси доирасида амалга оширилаётганлигини таъкидлади. Бунинг учун комиссиянинг махсус ишчи гуруҳини ажратишга қарор қилинди.

Учрашувнинг кўпгина қатнашчилари совет корхоналари билан фақат ҳар томонлама алоқа ўрнатишгина эмас, балки пухта алоқа ўрнатишдан манфаатдор бўлганликлари учун ўзларининг совет диёридаги бизнеси дастлабки қадамлари катта таҳлика остида бўлаётганлигидан қониқмаётганликларини айтдилар. Хусусан айовалик таниқли банк эгаси Жон Кристал савдо соҳасидаги, шу жумладан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдоси соҳасидаги ишларнинг аҳволидан ҳафсаласи пир бўлганлигини айтди. У, масалан, Совет Иттифоқидаги мавжуд инвестицияни чеклашлардан, фойдани АҚШга кўчириш чеклаб қўйилганлигидан қониқмаяпти. Бундан ташқари, деди у, Совет Иттифоқида ана шу инвестициядан тушумлар тез орада алмаштириладиган сўм зарурлиги тўғрисидаги масалани мажбурий қилиб қўяди.

СССР Президенти ана шу саволларга жавоб қайтариб капитал маблағларнинг хавфсизлигига кафолат берадиган, инвестициядан олинган фойдани олиб чиқиб кетиш тартиби ва имкониятини кўзда тутадиган ҳужжат тайёрланаётганлигини маълум қилди. Президент алмаштириладиган сўмга ўтиш истиқболларини кўриб чиқар экан яқин вақт ичидаёқ Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида жаҳон нархларида савдо қилишга ўтиш нияти борлигини таъкидлади. Биз ўз ички нархларимизни жаҳон нархларига мувофиқлаштиришимиз лозим, деди у, бунга ўз иқтисодиётимизни тайёрлашимиз, уни тағин ҳам самаралироқ, барқарорроқ қилишимиз лозимлиги тўғрисида гапирмасак ҳам бўлади. Агар биз Совет Иттифоқи «эшикларини» ҳозир кенг очиб қўйиб алмаштириладиган сўмни жорий этсак, у ҳолда бизни уч ой ичида талаб кетадилар. Биз иқтисодиётимизни кенг миқёсда ўзгартириш йўли билан тўла алмаштириладиган сўмга ўтишга аста-секин қадам қўяверамиз. Илгари биз бу жуда узоқ давом этади, деб ўйлаган эдик. Энди эса бу даврни қисқартиришимиз мумкинлиги ва лозимлиги ҳақида ўйлаяпмиз.

САН-ФРАНЦИСКОДА УЧРАШУВ

САН-ФРАНЦИСКО, 5 июнь. (ТАСС). М. С. Горбачевнинг АҚШга ташрифи тугагач, Жанубий Корея Президенти Ро Дэ У «Фермонт» меҳмонхонасида унинг ҳузурида бўлди. Қисқа суҳбат бўлиб ўтди, бизнинг томонимиздан қайд этилишича, Осиё—Тинч океан регионида бошланган ўзгаришлар муносабати билан шу суҳбатни ўтказиш мумкин бўлди. М. С. Горбачев Кореяни тинч бирлаштириш тўғрисидаги масалада Совет Иттифоқининг принципиал позициясини тасдиқлаб гапирди. СССР билан Жанубий Корея ўртасида иқтисодий ва маданий алоқаларни йўлга қўйишни маъқуллашини айтди, иккала томоннинг манфаатдорлигини ҳисобга олганда бу алоқаларни ривожлантириш учун катта имкониятлар бор.

Дипломатия муносабатлари ўрнатишга келганда, бу масала алоқалар ривожланган сайин ҳамда региондаги ва Корея ярим оролидаги сиёсий вазиятнинг умумий согломлашуви муносабати билан ўртага қўйилиши мумкин.

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Р. — 10076. № 129. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12